Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН | № 117 (8417). | 20 июнь, 1984 йил ● ЧОРШАНБА ● Баҳоси 3 тийин.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ СИЁСИЙ БЮРОСИДА

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси ўзининг навбатдаги мажлисида Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг олий даражада Москвада бўлиб ўтган Иқтисодий кенгаши якунларини кўриб чиқиб, ўртоқ К. У. Черненко бошчилигидаги Совет Иттифоқи делегациясининг фаолиятини маъқуллади.

Сиёсий бюронинг мажлисида қайд этилганидек, КПСС XXVI съездида қардош мамлакатларнинг раҳбарлари социалистик иқтисодий интеграцияни ривожлантириш проблемаларини муҳокама қилишлари тўғрисида айтилган таклифни бошқа қардош партиялар яқдиллик билан қўллаб-қувватладилар. Пухта коллектив тайёргарлик кўрилганлиги Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар раҳбарларининг учрашуви муваффақиятини таъминлади. Иқтисодий кенгаш социалистик мамлакатлар хўжалик ривожи ва ҳамкорлиги, жаҳон тараққиётининг ҳозирги босқичи туб масалаларини чуқур ва атрофлича кўриб чиқди. Кенгашнинг бутун иши амалий ишчанлик руҳида, ошкора фикрлашув, тўла ҳамжиҳатлик, дўстлик ва бирлик вазиятида ўтди.

Кенгаш натижалари қардош партиялар ва Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар ўртасидаги муносабатларни ривожлантиришда янги босқич бошланганидан дарак беради. Давлатларимиз ўзаро алоқаларининг, социалистик иқтисодий интеграцияни узоқ муддатли истиқболда ривожлантиришнинг асосий йўналишлари белгиланди. Кенгаш ҳужжатларида қардош мамлакатларнинг жипслиги, уларнинг социализм ва тинчлик позицияларини мустаҳкамлаш мақсадларини кўзлаб, иш кўришга азму қарор берганлиги акс эттирилган.

Социалистик давлатларнинг иқтисодий сиёсатини келишиб олишда олға томон катта қадам қўйилди. Социализмни қуриш ва такомиллаштириш, халқлар фаровонлигини ошириш, бундан буёнги социал-иқтисодий ва илмий-техникавий тараққиётни таъминлаш вазифалари Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг экономикани ривожлантириш соҳасида биргаликда сарфлайдиган куч-ғайратларининг асосий кўрсаткичлари бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади. Кенгаш қабул этган ҳужжатлар аввало шу мақсадларга қаратилган. Бу ҳужжатларнинг амалга оширилиши социалистик давлатларнинг иқтисодий ҳамкорлигини янги поғонага кўтариши, уларнинг ички резервларини сафарбар этишга, ўзаро алоқаларни кенгайтиришга кўмаклашиши шубҳасиз. Интеграциялашнинг социализмга хос демократик усуллари мамлакатлардан ҳар бирининг миллий манфаатларини бутун ҳамдўстликнинг муштарак мақсадлари билан узвий равишда бирга қўшиб олиб бориш имконини беради.

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси ҳозирги босқичда социалистик давлатлар ўртасидаги алоқаларни кучайтиришни мураккаб ташқи шароитлар ҳам тақозо этаётганини таъкидлади. Улар ўз олдиларидаги вазифаларни мана шундай мураккаб шароитларда ҳал этишларига тўғри келмоқда. Бу ўринда ғаз империалист давлатларнинг, биринчи галда АҚШнинг агрессив ғаламислик ҳаракатлари натижасида халқаро вазият кескин кучайганлиги тўғрисида бормоқда. Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар империализмнинг агрессив муддаоларига зарба беришга аҳд қилганликларини изҳор этиб, ўзларининг тинчликни мустаҳкамлашга ва ҳалқаро кескинликни юмшатишга, халқаро муносабатларни тинч-тотув яшаш ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилишнинг нормал изига қайтаришга қаратилган принципиал изчил йўлини таъкидладилар.

Кенгашда вакиллари қатнашган давлатлар халқаро иқтисодий муносабатларни соғломлаштириш йўлида дунёдаги кўпчилик мамлакатлар ғоят манфаатдор бўлган конкрет қадамлар қўйиш программасини ишлаб чиқдилар. Улар халқаро муносабатларда камситиш ва эксплуатацияга қарши курашаётган барча кучлар тарафини олиб чиқаётганликларини тасдиқладилар. Социалистик давлатларнинг ҳозирги халқаро вазият энг муҳим проблемалари хусусидаги батафсил позицияси Кенгашда қабул этилган Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг Декларациясида, унинг бошқа ҳужжатларида баён этилган.

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши навбатдан ташқари сессиясининг якунларини кўриб чиқди. Ўртоқ Н. А. Тихонов бошчилигидаги Совет Иттифоқи делегацияси ўтказган иш ижобий баҳоланди. Сиёсий бюро сессияда қабул этилган қарорларнинг муҳим аҳамиятини қайд этиб, эришилган аҳдномаларни бажариш юзасидан зарур тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишни тегишли ташкилотларга топширди. Иқтисодий кенгашнинг ва Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши сессиясининг йўл-йўриқларини рўёбга чиқариш соҳасида министрликлар ва идоралар, ишлаб чиқариш бирлашмалари ва корхоналар олдида турган вазифаларнинг муҳимлиги таъкидланди.

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси К. У. Черненко ва Н. А. Тихонов ўртоқларнинг олий даражадаги иқтисодий кенгашда делегациялари қатнашган мамлакатлар қардош партиялари ва давлатлари раҳбарлари билан, шунингдек ҳукумат бошлиқлари билан ўтказган учрашувлари ҳамда суҳбатларини маъқуллади.

Сиёсий бюронинг мажлисида КПСС билан Совет давлатининг ички ва ташқи сиёсатини амалга оширишнинг бошқа баъзи масалалари муҳокама қилиниб, улар юзасидан қарорлар қабул этилди.

КАПИТАЛ ҚУРИЛИШ СУРЪАТИНИ ТЕЗЛАШТИРАЙЛИК

ПОИТАХТ областимиз шу кунларда бепоён қурилиш майдонига айланган десак, муболаға қилмаган бўламиз. Унинг барча шаҳарлари ва қишлоқларида йирик саноат объектлари, қўплаб муҳташам маданий-маиший бинолар, ҳисобсиз уйлар қурилмоқда, бутун турар-жой массивлари, кварталлар барпо этилмоқда. Осмонўпар кўтарма кранлар улар қиёфасининг ажралмас қисми бўлиб қолган.

Бунёдкорлар ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ошириш, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллигини муносиб нишонлаш, хўжалик йилини кўнгилдагидек якунлаш мақсадида тинмай ижодий изланиш олиб бормоқдалар, янги-янги резервлар ва имкониятларни қидириб топиб, ишга солмоқдалар.

Кўрилаётган ташкилий-техникавий тадбирлар туфайли капитал қурилишда муайян силжишларга эришилмоқда, ой сайин катта ҳажмдаги қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилмоқда, айрим муҳим объектларнинг белгиланган муддатлари фойдаланишга топширилиши таъминланмоқда. Аксарият бинокорлик, монтажчи ташкилотлар, уларга турли-туман буюмлар етказиб бераётган бинокорлик материаллари саноати ва қурилиш индустрияси корхоналари коллективлари давлат планларини муваффақиятли бажармоқдалар. 160, «Алмаликсвинецстрой», «Ташоблсельстрой», «Ташкентводстрой», «Паркентводстрой», «Ташоблколхозстрой» каби ва бошқа қатор етакчи қурилиш трестлари коллективлари шулар жумласидандир.

Илғор коллективларнинг куч-ғайрати билан йилимизнинг ўтган беш ойида катта ҳажмдаги бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Шу даврда 257,3 миллион сўмлик асосий ишлаб чиқариш фондлари ишга туширилди. Ўзлаштирилган капитал маблағ ҳажми салкам ярим миллиард сўмликни ташкил этди. Бундан ташқари, қўплаб уй-жойлар, мактабгача ёшдаги болалар, медицина муассасалари фойдаланишга топширилди.

Лекин областимиз бўйича капитал қурилиш ҳажми, суръати давр талаби, КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг «Капитал қурилишини планлаштириш, уни ташкил этиш ва бошқаришни яхшилаш тўғрисида» қабул қилган қарорида қўйилган юксак вазифалар даражасида бўлмаяпти. Шу сабабли ҳам областимиз капитал қурилишидаги аҳвол ҳақли равишда катта ташвиш туғдирмоқда.

Бунёдкорлик ишларида ўтган йилдагига нисбатан маълум ижобий силжиш қилинган бўлса ҳам капитал қурилишнинг асосий тармоқлари бўйича давлат планлари бажарилмаяпти. Буни йилимизнинг ўтган беш ойлик якунларида ҳам кўрса бўлади. Масалан, давлат капитал маблағларини ўзлаштириш топшириғи 99 процент қилиб бажарилди. Планга фақатгина бир процент етмади. Лекин у миллионларча сўмлик маблағ фойдаланилмади демакдир. Амалга оширилган қурилиш-монтаж ишлари ҳажми белгиланганидан 0,4 процент кам бўлди. Йиллик планда уй-жой қурилишига сарфланиши назарда тутилган давлат маблағининг 39 процентигина ўзлаштирилган, холос.

Барча шаҳарлар ва районларда асосий фондларни фойдаланишга топшириш планларининг бажарилиши жуда оқсамоқда. Орадан беш ой ўтганига қарамай бу соҳа бўйича ярим йиллик топшириқ 50 процентдан сал ошиқроқ қилиб адо этилган. Шунга кўра июнь ойи охиригача яна 238,5 миллион сўмлик асосий фондлар ишга туширилиши керак.

Кўпчилик шаҳар ва районларда қурилиш-монтаж ишлари жуда оқсамоқда. Оҳангарон, Олмалиқ, Бекобод шаҳарлари, Оққўрғон, Оҳангарон, Бўка, Калинин, Пискент районларида пландагидан анча орқада қолинмоқда. Қатор етакчи қурилиш трестлари ва бошқармалари коллективлари ишида сусткашлик давом этмоқда. Оқибатда улар капитал қурилишнинг асосий кўрсаткичлари бўйича план топшириқларининг бажарилишини таъминлай олмаяптилар. Шу сабабли муҳим объектлар, жумладан, Янги Ангрен ГРЭСи, Ангрен кўмир разрези, «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмаси қувватларини қуриш муддатидан кечикмоқда.

Областимиз бинокорлари меҳнат унумдорлигини пландагидан ташқари бир процент ошириш ҳамда таннархни қўшимча 0,5 процент камайтириш юзасидан бошланган умумхалқ ҳаракатида иштирок этмоқдалар. Улар қурилиш-монтаж ишлари таннархини арзонлаштиришда марранани муваффақиятли эгаллаётган бўлсалар ҳам унумдорликда аксинча бўлмоқда. Қурилишда у 97 процент бажарилиб, бу билан ҳатто планнинг адо этилиши ҳам таъминланмади.

Бундай нуқсонлар шунинг учун ҳам содир бўлмоқдаки, трестлар ва бошқармалар раҳбарлиги, турли ҳил инженерлик хизматлари, бошланғич партия, касаба союз ташкилотлари қурилиш ишлаб чиқаришни яхшилаш билан боғлиқ бўлган муаммоларни оператив ҳал қилмаяптилар. Кўп ҳолларда хотиржамлик кайфиятига берилмоқдалар. Улар қурилишни ташкил этиш ва унинг инженерлик тайёргарлигини такомиллаштиришга, қурилиш техникаси ва автотранспорт воситалари, моддий ва ишчи кучи ресурсларидан самарали фойдаланиш масалаларига етарли эътибор бермаяптилар.

Ҳамма қурилиш ташкилотларида ҳам кадрлар танлаш, тарбиялаш, уларнинг қобилиятига қараб жой-жойига қўйиш, ўз вазифасига нисбатан масъулиятини ошириш, муқим бунёдкорлар коллективларини вужудга келтириш, бунинг учун илғор иш усуллари ва прогрессив технологияни қўлланиш, бинокорларнинг унумли ва сифатли ишлашлари учун қулай шароитларни яратиб бериш, меҳнати натижасидан моддий манфаатдорлигини ошириш юзасидан зарур тадбирлар кўрилаяпти, деб бўлмайди.

Шаҳар ва район партия комитетлари, маҳаллий Советлар ижроия комитетлари, хўжалик органлари раҳбарлари барча қурилиш ташкилотлари коллективлари олдида турган вазифаларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлашлари, бунга эришиш учун зарур бўлган барча чораларни кўришлари даркор. Аввало, ҳамма ишлаб чиқариш бўғинларида меҳнат ва технологик интизомни мустаҳкамлаш, хўжалик ҳисобини кенг жорий қилиш, меҳнат унумдорлигини ошириш, тежамкорликни қуватайтириш, бош пудратчи билан ёрдамчи пудратчи ва буюртмачи ўртасида тузилган шартномалар талабларига тўла риоя қилинишини таъминлаш, бинокорларнинг малакасини тинмай ошириш, уларга қўшимча касбларни ўргатиш, ишчи кучи қўнимсизлигини тўла бартараф этиш керак.

Бинокорлар ўртасида Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил этилганлигининг 60 йиллик тўйи шарафига бошланган ва кун сайин авж олаётган социалистик мусобақа иштирокчилари куч-ғайрати ва ижодий изланишини капитал қурилиш топшириқларининг тўла ва ошириб бажарилишига сафарбар этиш, шу умумхалқ ҳаракати давомида юзага келаётган ташаббусларни, илғорлар иш тажрибасини оммалаштириш шу кунларнинг муҳим вазифасидир. Қурувчиларимиз мамлакатимизнинг социал ва иқтисодий ривожлантириш юзасидан тузилган беқиёс режаларнинг энг муҳим омилларидан бири бўлган бунёдкорлик ишларини жадал амалга ошириш катта аҳамиятга эга эканлигини бир дақиқа ҳам унутмасликлари керак. Бу—барча бинокорларнинг муқаддас вазифаси, шарафли иши, виждон бурчидир.

● ЎЗБЕКИСТОН ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил этилганлигининг шонли 60 йиллик юбилейини муносиб кутиб олиш учун меҳнат қилаётган Ўрта Чирчиқ районидаги Ленин номли колхоз пахтакорлари 1150 гектар майдондаги ғўзаларга сифатли ишлов беришяпти. Хўжалик деҳқонлари бу йил ҳосилдорликни 40 центнерга етказишга аҳд қилдилар. Суратда: хўжаликнинг илғор механизатори Абдушукур Ҳасанов ғўза қатор ораларини культивация қилаётир.

А. Мальцев фотоси.

ПАХТАКОР ВА МЕХАНИЗАТОР ЎРТОҚЛАР!

• ҲОСИЛ ТЎПЛАШДА ҲАЛ ҚИЛУВЧИ ДАМЛАР БОШЛАНДИ. ҒЎЗА ПАРВАРИШИНИ КУН САЙИН КУЧАЙТИРИНГ • *ШУ КЕЧА-КУНДУЗДА ЭКИННИ ҚОНДИРИБ СУҒОРИШГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР БЕРАЙЛИК* • КУЛЬТИВАЦИЯНИ МАРОМИДА ЎТКАЗИБ, ҚАТОР ОРАЛАРИДА ТУПРОҚНИНГ ДОИМО ЮМШОҚ САҚЛАНИШИНИ ТАЪМИН ЭТИНГ • *БЕГОНА ЎТГА ҚАРШИ КУРАШНИ АСЛО СУСАЙТИРМАНГ* • ҒЎЗАНИ МИНЕРАЛ ЎҒИТЛАР БИЛАН ОЗИҚЛАНТИРИШНИ 1 ИЮЛГА ҚАДАР ТУГАЛЛАЙЛИК!

СУВЧИЛАР ВАХТАДА

ҚОНДИРИБ, СИФАТЛИ

ЎТГАН йилги қийин обҳаво шароитида ҳам Алибой ака бригадаси мўл ҳосил етиштириб яхши натижаларга эришган эди. Миришкорлар бу йил ҳам ишни бошидан пухта қилиш учун курашмоқдалар. Ана шу мақсадда ерни экишга тайёрлаш барвақт тугалланди. Барча майдонда уруғлик ернинг табиий намига ундириб олинди. Дастлабки кунданоқ ниҳолларга сифатли ишлов берилиб, ҳар гектарида мўлжалдаги кўчат сақлаб қолинди.

— Биз ўз имкониятларимизни чамалаб кўрдик, — дейди бригадир А. Аҳмедов. — Ҳар гектаридан бемалол 42 центнердан ҳосил етиштиришимиз мумкин. Бунинг учун эса шу кунларда ғўзани оби-ҳаётга қондириб суғоришимиз, зараркунандаларга қарши курашни бўшаштирмаслигимиз, далаларни бегона ўтдан доимо тоза бўлишини таъминлашимиз зарур.

Бригада пахтазорларини айланган киши бу ерда ҳақиқатан ҳам агротехник тадбирлар ўз вақтида амалга оширилаётганлигини кўради.

Бригадир билан пахтазор оралаб сувчилар ишлаётган картага етиб келдик. Доңгдор ва тажрибали сувчи Шарифбой Усмоновнинг ишига қойил қолдик. У пайкаллаларга сув қўйишдан олдин пухта тайёргарлик кўрар экан. Ўқариқларни яхшилаб созлайди, эгатларга сув қўйишдан олдин текшириб чиқади. Шунинг учун ҳам эгатларда сув бир текис жилдираб оқмоқда. Пушталар яхлит захлаб, ниҳоллар сувга қонмоқда. Бир кеча-кундузда ўртача беш-олти гектар майдондаги ғўзаларга сув таралмоқда.

Бригадада бундан ташқари 39,9 гектар майдонда каноп етиштирилаётир. Бу экин парвариши ҳам яхши йўлга қўйилган. Ҳар гектаридан 220 центнердан «кўк олтин» топшириш учун қизғин кураш бормоқда.

О. СУПИХОНОВ,
Ғалаба районидаги Энгельс номли колхоз.

МУСОБАҚАДОШЛАР ДАЛАЛАРИДА

ЧИНОЗ—ЯНГИЙЎЛ

Янгийўл ва Чиноз районларида қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари бир неча йиллардан буён мусобақалашиб келмоқдалар. Мусобақа ҳар иккиси районнинг умумий юксалишига катта ёрдам бераётир. Яқинда янгийўлликлар Чиноз райони, чинозликлар эса Янгийўл райони далаларида бўлиб, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш юзасидан олинган юксак мажбуриятлар қандай бажарилаётганлигини текширдилар.

Мусобақадошлар Чиноз районидаги «Октябрь 40 йиллиги», «Ўзбекистон ССР 30 йиллиги», Киров номли колхозларнинг кўпчилик бригадаларида ғўза парвариши яхши ташкил этилганлигини қайд этдилар.

Охунбобоев номли колхозда ҳам ишлар анча дуруст йўлга қўйилган. Айниқса, колхознинг 10-, 11-, 12- ва 14-бригадаларида ғўза парвариши юксак агротехника қоидалари асосида олиб борилмоқда. Ҳозиргача бу хўжаликда 700 гектарга яқин майдондаги ғўзалар қийғос шоналаган.

Бироқ, колхознинг ҳамма бригадаларида ҳам парвариш юксак савияда деб бўлмайди. Айрим коллективларда культивация, озиқлантириш, суғориш, далаларни бегона ўтлардан тозалаш, зараркунандаларга қарши курашда сусткашлик қилинмоқда. Шунинг учун ҳам бундай бригадаларда бир картада икки хил манзарага дуч келасиз. Бундай нуқсонларни бошқа хўжаликларда ҳам учратиш мумкин.

Чиноз ҳўжалиги ўзаро текшириш бригадаси аъзолари ҳам Янгийўл райони хўжаликларида бўлганларида «Коммунизм», «Леннинизм», «СССР 60 йиллиги», Ленин номли колхозларда агротехник тадбирлар сифатли амалга оширилаётганлигини қайд қилиш билан бирга камчиликларни ҳам рўй-рост кўрсатиб ўтдилар. Масалан, Янгийўл райони хўжаликларида жами 800 гектар майдондаги ғўза ўсиштан орқада эканлиги аниқланди.

Текширишларнинг якунига бағишланган йиғилишларда ютуқлар, илғор тажрибалар қайд қилиниши билан бирга ҳар туп ғўзани серҳосил қилиб ўстириш, айниқса, ривожланишдан орқада қолган экинларга ишловни кучайтириш, барча майдонларда, мўл, сифатли ва эртаки ҳосил етиштиришга онд қимматли маслаҳатлар берилди.

Э. ИБРОҲИМОВ,
Э. ТУЛАГАНОВ.

ҲАР ТУПИ ҲИСОБДА

БРИГАДАМИЗДА асосан пахта ва каноп етиштирилади. Ўтган йили ҳар гектаридан 38 центнердан «оқ олтин», 200 центнердан каноп поясини топширган эдик.

Бу йил ютуқларни мустаҳкамлаш учун эрта баҳорданоқ дала ишларини кучайтириб юбордик. Энг муҳими, чигитни ернинг табиий намига ундириб, гектарларда кўчатларнинг тўлиқ бўлишини таъминладик. Каноп нинг ривожи ҳам кўнгилдагидек. Ҳар гектаридан олинадиган пахта ҳосилдорлигини 45 центнерга, каноп ини эса 250 центнерга етказишни мўлжалламоқдамиз.

Шу мақсадда зарур тадбирлар кўрилаяпти. Биз пахта етиштиришда Тошкент технологиясини янада такомиллаштиришга эътибор бераяпмиз. Ҳозирданоқ машина теримини кўзлаб меҳнат қилаётирмиз. Бу соҳада тажрибамиз бор. Ўтган йили етиштирилган ҳосилнинг 90 процентини «зангори кема»ларда териб олган эдик. Карталарни текислашга, ғўза қатор ораларида бегона ўтларнинг бўлмаслигига эришганлигимиз туфайли машина теримида яхши натижа қўлга киритилган. Бу соҳадаги тажрибамизни янада бойитамиз. Ғўзаларни машина теримибоп қилиб, шу кунгача қатор оралари уч марта сифатли культивация қилинди. Экинни минерал ўғитлар билан озиқлантиришни шу ойнинг ичида тугаллаймиз. Ҳозирги кунда ҳар биримизнинг диққат-эътиборимиз ғўзаларни қондириб суғоришга қаратилган. Сувдан тежамли фойдаланмоқдамиз.

Белгиланган агротехник тадбирларни амалга оширишда механизаторларимиздан З. Худойберганов, У. Турдиалиев, сувчилардан Р. Аҳмедов, Д. Тулебоевлар бошқаларга намуна бўлмоқдалар. Колхозчиларимиздан Г. Абдуқодирова, Р. Эшназарова, Ҳ. Эргашевалар ҳам қатор ораларини бегона ўтдан тозалашда фидокорлик кўрсатиб ишлаяптилар.

Ҳар туп ниҳол эътиборимизда. Гектарлардаги кўчатларни ҳосил пишиб етилгунча тўла сақлаб қолиш учун бор тажриба ва маҳоратимизни ишга соламиз.

О. БЕКОВ,
Коммунистик районидаги Карл Маркс номли колхоз бригада бошлиғи.

К. У. Черненко Д. Ортега билан учрашди

18 июнь куни КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. У. Черненко қисқача амалий визит билан Москвага келган Сандиночилар Миллий озодлик фронти миллий раҳбарлик органининг аъзоси, Никарагуа Миллий тикланиш ҳукумати раҳбарлик Кенгашининг координатори Д. Ортега билан учрашди.

Учрашувда Совет томонидан — КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, СССР Ташқи ишлар министри А. А. Громико, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитети секретари Б. Н. Пономарев ва КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчиси А. М. Александров, Никарагуа томонидан — Сандиночилар Миллий озодлик фронти миллий раҳбарлик органининг аъзоси, планлаштириш министри Г. Руис ва Никарагуа Республикаси Ташқи ишлар министри М. Д'Эсконто иштирок этдилар.

Дўстона, самимий вазиятда ўтган суҳбатда СССР билан Никарагуа ўртасидаги икки томонлама муносабатларга доир масалалар, шунингдек халқаро вазиятнинг баъзи актуал проблемалари кўриб чиқилди.

К. У. Черненко ва Д. Ортега Совет-Никарагуа муносабатлари турли соҳаларда тенглик, ўзаро ҳурмат, бир-бирларининг ички ишларига аралашмаслик ва дўстона ҳамкорлик принциплари асосида муваффақиятли ривожланиб бораётганлигини мамнунлик билан қайд этиб ўтдилар. К. У. Черненко Никарагуа раҳбарлари мамлакатни миллий тиклаш мақсадида сарфлаётган куч-ғайратларни қўллаб-қувватлашини изҳор этди, империалистик кучларнинг агрессив ҳаракатларидан ўз озодлиги ва мустақиллигини қаттиқ ҳимоя қилаётган қаҳрамон Никарагуа халқи билан Совет Иттифоқи бирдам эканлигини билдирди.

Учрашув қатнашчилари АҚШнинг Марказий Америка ва Кариб ҳавзасидаги гегемончилик сиёсатини қатъиян қораладилар, шу регион проблемаларини адолатли асосда музокаралар олиб бориш йўли билан тинч сиёсий бартараф этиш керак, деган фикрни билдирдилар. Халқларнинг ўз тақдирини ўзи ҳал этишдан иборат даҳлсиз ҳуқуқига тажовуз қилинишига, давлатлараро муносабатларнинг энг асосий нормалари поймол этилишига йўл қўйиб бўлмаслиги таъкидлаб ўтилди.

Ҳар иккала томон Америка маъмуриятининг кескинликни кучайтиришга, қуроллароғларни кўпайтиришга қаратилган йўли, ҳарбий кучга таяниб бошқа халқларга ўз ҳукмини ўтказиш йўлидаги уринишлари бутун инсониятга жиддий хавф солаётганлигини билдирди. Шундай бир вазиятда барча давлатлар ва халқларнинг қонуний ҳуқуқларини ҳурмат қилиш учун, халқаро кескинликни юмшатиш учун, мустаҳкам тинчлик учун барча тинчликсевар кучларнинг курашини авж олдириш айниқса зарурдир.

К. У. Черненко Никарагуа халқининг ўз революцион ғалабаларини ҳимоя қилишда, бунёдкорлик вазифаларини ҳал этишда янгидан-янги муваффақиятларга эришувини тилади.

Д. Ортега Никарагуани сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаётганликлари учун Сандиночилар Миллий озодлик фронти миллий раҳбарлик органи ва Миллий тикланиш ҳукумати номидан Совет Иттифоқига, бутун совет халқига астойдил миннатдорчилик изҳор этди.

(ТАСС).

ҒАЛЛА ЎРИМ-ЙИҒИМИ КУНДАЛИГИ

400 ТОННАДАН ОШАДИ

БРИГАДАМИЗ ғаллакорлари ўн биринчи беш йиллиқда дон етиштириши кескин кўпайтириб бормоқдалар. Биргина 1983 йилда давлатга пландаги 240 тонна ўрнига 400 тонна дон етказиб бердик. Беш йилликнинг уч йиллик плани эса 145 процентга адо этилди. Меҳнатда бундай юқори натижаларни қўлга киритишимизда бригада пудрати усулининг фойдаси катта бўлмоқда. Меҳнат унумдорлиги кескин ортди. Энг муҳими ишнинг сифати ва пировард натижаси салмоқли бўлмоқда.

Коллективимиз деҳқонлари бу йил ҳам фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Об-ҳавонинг ноқулай келганлигига қарамай 220 гектар ердаги бугдой сифатли парвариш қилинди. Барча агротехник тадбирлар ўз вақтида ўтказилганлиги туфайли далаларда мўл ҳосил етиштирилди.

Ҳадемай, биз учун энг масъулиятли палла — ғалла ўрим-йиғими бошланади. Биз бу мавсумга доимо пухта ҳозирлик кўрамиз. Шунинг учун ҳам ҳосилни қисқа фурсат ичида нес-нобуд қилмай йиғиштириб олмоқдамиз. Бу йил ҳам етиштирилган донни ўз вақтида ўриб-йиғиб олиш учун барча тадбирларни кўрдик. Бригадамизга қарашли техника воситалари, экин майдонлари олдиндан тайёрлаб қўйилди. Ўримга бугдойнинг пишиб етилишига қараб киришамиз. Ҳамма иш конвейер усулида ташкил этилади.

Бригадамиз ғаллакорлари юбилей йилида мавжуд бугдойзорларнинг ҳар гектаридан пландаги 17,4 центнер ўрнига 21 центнердан ҳосил йиғиштириб олиш мажбуриятини қабул қилдилар. Мақсадимиз ғалла хирмонимизни 400 тоннадан ошириш. Бунинг учун бизда имконият бор. Далада меҳнат қилаётганларга барча шарт-шароитлар яратиб берилган. Ёрдамчи хўжалигимизда икки бош қорамол, парранда парвариш қилинмоқда. Озиқ-овқат маҳсулотлари ҳам ўзимизда етиштирилади. Бир сўз билан айтганимизда миллий мажбуриятимизни бажариб, республикамиз тўйини ёруғ юз билан кутиб оламиз.

К. МУМБЕКОВ,
Бўстонлиқ районидаги «Хўжакент» совхози ғаллачилик бригадасининг бошлиғи.

60

ЮБИЛЕЙОЛДИ МУСОБАҚАСИНИ АВЖ ОЛДИРАЙЛИК

ОБЛАСТЬ КАСАБА СОЮЗЛАРИ СОВЕТИ, «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ВА «ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА» ДАВРА СУҲБАТИ

Областимиз меҳнаткашлари Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил этилганлигининг 60 йиллигини халқлар дўстлигининг катта байрами, ленинча миллий сиёсат тантанаси сифатида нишонлашга катта тайёргарлик кўрмоқдалар, кўпчилик коллективлар, юзлаб цехлар, бригадалар, ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг 1984 йил февраль ва апрель Пленумлари тарихий қарорларига амалий иш билан жавоб бериш учун шонли сана шарафига қимматли ташаббуслар билан чиқдилар, йиллик ва беш йиллик топшириқларни муддатидан илгари бажаришга аҳд қилдилар.

Шу йилнинг ўтган беш ойида жами саноат ишлаб чиқариши ҳажми 3,7 процент ошди. Плондагидан ташқари деярли 42 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинди. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг барча тармоқларида ишлар жадал суръатлар билан олиб борилмоқда.

Область касаба союзлари Совети, «Тошкент ҳақиқати» ва «Ташкентская правда»нинг навбатдаги давра суҳбати Ўзбекистоннинг 60 йил давомидаги улкан муваффақиятлари ҳақида ишончли ҳикоя қилиб берувчи республика Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмаси павильонларининг бирида ўтганлиги ҳам диққатга сазовордир.

Суҳбатда иштирок этган ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари, партия ва меҳнат ветеранлари, бригадирлар, хўжалик раҳбарлари, касаба союз комитетлари раислари, область касаба союзлари Совети ва область касаба союз комитетларининг ходимлари юбилей олди социалистик мусобақасини ташкил этиш тажрибаси билан атрофлича танишдилар, уни такомиллаштириш йўлларини белгиладилар.

Учрашувда Иваново областининг тўқимачилик ва енгил саноат ишчилари касаба союзи область комитетининг секретари А. Д. Осина ва меланж комбинати бригадири В. А. Фоминдан иборат, Жиззах областининг область касаба союзлари Совети раиси А. Н. Нормуродов ва Жиззах районидаги Навоий номли колхоз бригадири, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони А. Раҳматовдан иборат делегациялари иштирок этдилар. Давра суҳбати ишида областимиз билан мусобақадош бўлган Болгария Халқ Республикаси Хасково округидаги Димитров химия комбинати аппаратчиси Ненко Латис Недев қатнашди.

Давра суҳбатини Тошкент область касаба союзлари Советининг раиси А. В. Бранлов олиб борди.

Область касаба союзлари Советининг секретари С. У. Муҳаммаджонова ўн биринчи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажарган ишлаб чиқариш илғорларининг катта группасига қимматли мукофотлар топширди.

Суратда: давра суҳбати иштирокчиларидан бир група паси.

А. Мальцев фотолари.

ШОНЛИ САНА ШАРАФИГА

— Бундан олтмиш йил илгариги Ўзбекистон қиёфасини кўз олдингизга келтиринг! Арзимаган саноат, қолоқ қишлоқ хўжалиги, деярли тўла саводсизлик ҳукмрон эди,— Тошкент шаҳар партия комитети ҳузуридаги ветеранлар Советининг аъзоси **А. Ўрозаев** ўз нутқини шундай бошлади.— Бугунги серқуёш республикамизга бир боқиб кўринг-а, унинг индустриал қиёфаси тубдан ўзгариб кетди, у пахта етиштирувчи йирик марказга айланди. Республика Фанлар академияси ишлаб турипти, кўплаб илмий-тадқиқот институтлари фаолият кўрсатмоқда. Эндиликда республикамиз вакилларини хўжалик ва маданий қурилишнинг барча участкаларида учратиш мумкин.

Нотиқнинг бу фикрини Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги партия тарихи институти директорининг ўринбосари, тарих фанлари доктори профессор **К. Ф. Фозилхўжаев** янада ривожлантирди. У КПССнинг жанговар отрядларидан бири ҳисобланган Ўзбекистон Компартиясининг фаолияти ҳақида муфассал ҳикоя қилди.

УСТОЗ БЎЛИНГ

— Ўрта таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилиш — умумхалқ ишидир,— деб суҳбатга қўшилди Тошкент тўқимачилик комбинатининг 83-ҳунар-техника билим юрти ишлаб чиқариш таълими мастери, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, КПСС XXVI съезди делегати **Б. Жўраева**, — унинг амалга оширилиши ўқувчиларни ўқитиш ва ишлаб чиқаришга жалб этган ҳолда уларнинг меҳнат тарбиясини ва касб танлашини тубдан яхшилаш имконини беради.

Мен Тошкент тўқимачилик комбинатининг ҳунар-техника билим юртида ишлайман. Талабалар билан машғулотлар кабинет системасида ўтказилади. Хоналарда барча зарур шароитлар муҳайё. Иккита ётоқхона улар хизматида. Ётоқхоналарга лекторлар тез-тез таклиф қилиб турилади, ёзувчи ва шоирлар билан учрашувлар ташкил этилади, театр ва музейларга экскурсиялар уюштирилади. Хулласи, қизларимиз бўш вақтларини мазмунли ва мароқли ўтказишлари учун қўлимиздан келган барча ишни қиляпмиз.

Тўқимачилик корхоналарини ишчи кадрлар билан таъминлаш зарур. Бу вазифа ҳунар-техника билим юрти зиммасига юкланган. Шунинг учун ҳам биз — мастер-устозлар учун бугунги 600 тўқувчи қиз ўқишни муваффақиятли тугатибгина қолмай, танлаган касбларига содиқ қолишларига эришишдан ҳам муҳимроқ вазифа йўқ, деб ўйлайман.

Ўн биринчи беш йиллик давомида Тошкент тўқимачилари учун 3 та янги микрорайон қуриб берилди. Шунингдек, болалар боғчалари билан таъминлаш масаласи ҳал этилди. Комбинат территориясида саноат моллари ва озиқ-овқат маҳсулотлари билан савдо қилувчи янги магазинлар очилди, самарали меҳнат ва мазмунли дам олиш учун барча шароитлар яратилмоқда.

Буларнинг ҳаммаси мен делегат бўлиш шарафига муяссар бўлган КПСС XXVI съезд қарорлари сўзсиз бажарилаётганидан далолат бериб турибди.

ЭНГ ЯХШИ СОВҒА

— Доимо дизель ёнилғисини тежашга ҳаракат қиламан, — дейди Тошкент тепловоз депосининг машинисти, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати **Ҳ. Исамуҳамедов**. — Ўтган йилнинг декабрь ойидан бери иқтисод қилинган ёнилғи ҳисобига меҳнат қиляпман. Бу ҳаракатга ҳозир депомизнинг юздан зиёд машинисти қўшилган.

Ўзбекистон ССР ва Республика Компартияси юбилейи шарафига атаб 2 минг килограмм дизель ёнилғиси тежаб қолишга, поездлар ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга қарор қилдим.

Депомиз энг яхши колонналарининг кўпчилик локомотив бригадалари «Стахановчилик — кривоносовчилик ҳаракатининг 50 йиллигига — 50 зарбдор ҳафталик!» ташаббусини маъқуллаб, айни пайтда оғир юк поездларини бошқаришда янги марраларни забт этмоқдалар.

ЯНАДА ЯХШИРОҚ ИШЛАШ МУМКИН

— Бизнинг тармоғимиз коллективларида меҳнаткашларнинг 98 процентдан кўпроғи шонли юбилейни муносиб кутиб олиш учун бораётган мусобақада қатнашмоқда,— таъкидлади металлургия саноати ишчилари касаба союзи область комитетининг раиси **Ғ. Ҳ. Холиқулов.**— Мажбуриятларда меҳнат унумдорлигини пландан ташқари 1 процент ошириш ва маҳсулот таннархини 0,5 процент камайтиришга эришиш назарда тутилган.

Область касаба союз комитети Ўзбекистон қийин эрийдиган ва иссиққа чидамли металлар комбинати 11-цехининг Л. С. Леоненко бошчилигидаги комсомол-ёшлар бригадаси, Олмалиқ конметаллургия комбинати Саричек конининг экскаваторчилар бригадири А. Токарев, шу комбинатга қарашли автотранспорт бошқармаси ҳайдовчиси Э. К. Рустамовларнинг юбилейни муносиб нишонлаш бўйича ташаббусларини маъқуллади.

Комбинат бўлинмаларида мусобақанинг ташкил этилиши, моддий рағбатлантиришни маънавийси билан узвий боғлаб бориш синчиклаб ўрганилди.

Ўзбекистон қийин эрийдиган ва иссиққа чидамли металлар комбинати коллективида мусобақа натижаларини ҳар куни якунлаш бўйича махсус комиссия ташкил этилган, унга комбинат директори раислик қилмоқда. Металлургларга «Фан ва техника ютуқларини жорий қилиш асосида меҳнат унумдорлигининг бутун ўсишига эришайлик» шиори остидаги мусобақанинг ташаббускорлари бўлишди. Ишлаб чиқариш илғорлари, иккинчи цех штабиклар пайвандловчилари Матқозиев, Мирзаахмедов, Абдуқодиров ўртоқлар шу йилнинг планини 1 октябргача, еттинчи цехнинг сим чўзувчиси Чичев шонли юбилейгача етти йиллик норманы бажариш аҳди билан ишламоқдалар.

ЭНГ МУҲИМИ—ОШКОРАЛИК, НАТИЖАЛАРНИНГ ТАҚҚОСЛАНИШИ

Биз меҳнат рақобати натижаларининг кенг ошкоралиги ва таққосланишига доим катта эътибор бериб келдик, — деди Калинин районидаги Калинин номли колхоз касаба союз комитети раиси **Т. Жўраев**. — Унинг моҳияти шундаки, ҳар бир бригада, ферма, ҳар бир хўжалик фаолиятига баҳо беришда албатта ўтган йили эришилган натижа ҳисобга олинади.

Агар у ўтган йилги кўрсаткичлардан юқори бўлса бу коллективга имтиёз берилади. Бу билан биз коллективлар эришилган натижаларни янада кўпайтиришга астойдил интилишларига эришмоқдамиз.

Меҳнат беллашуви натижаларини якунлашнинг иккинчи шарти шундаки, кўрсаткичлар тахтасида иккала мусобақадош коллективнинг ютуқлари тўла акс эттирилади. Масалан, биз Свердлов номли совхоз билан мусобақадошмиз. Махсус тахтада ана шу икки коллектив меҳнати натижаларини кўриш мумкин. Бу усул ҳамма учун тушунарли бўлиб, уни саноат ва қурилишларда ҳам қўлланиш мумкин.

Бизнинг коллективимиз Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил этилганлигининг 60 йиллигигача давлатга 8 минг тонна сабзавот, 2 минг тонна картошка, 46 тонна гўшт, 920 тонна сут сотиш мажбуриятини олган.

Илғор бригадалар юбилей йилида ҳар гектар ердан 400 центнердан сабзавот, 300 центнердан картошка, 130 центнердан узум, ҳар бир соғин сигирдан 5—5,5 минг килограммдан сут соғиб олиш ташаббуси билан чиқдилар.

Биз ўзаро мусобақалашиш ҳақида Иваново области Иваново районидаги Мичурин номли колхоз меҳнаткашлари билан шартнома туздик. Бизнинг коллективимиз шартноманинг барча шартларини муваффақиятли бажармоқда. Биринчи ярим йиллик натижалари шу йилнинг июлида якунланади. Мусобақадош дўстларимиз коллективимиз ҳузурига келишади.

ЯНГИ ШАРОИТЛАРДА

— Район агросаноат бирлашмаларининг тузилиши ана шу комплекса кирувчи коллективлар ўртасида мусобақани қайта ташкил этишни талаб этди,— деди қишлоқ хўжалик ходимлари касаба союзи Бўка район комитетининг раиси **Д. Султонов.**

Бошқарув структураси ўзгарганлигини ҳисобга олиб меҳнат беллашуви шартлари қайта кўриб чиқилди, кўрсаткичлар сони камайди. РАПО совети ва касаба союз комитетлари раислари совети колхозлар, совхозлар, корхоналар ва ташкилотларнинг Озиқ-овқат программасининг муваффақиятли амалга ошириш учун мусобақаси шартларини кўриб чиқдилар ва тасдиқладилар. Социалистик мусобақа ғолиблари бўлган коллективларни рағбатлантириш учун РАПО ва касаба союз комитетлари раислари советининг иккита кўчма Қизил байроғи, иккита кўчма вимпели, дипломлари ва Фахрий ёрлиқлари таъсис этилди, айни вақтда уларга бериладиган пул мукофоти миқдорлари белгиланди. Ғолиблар шарафига меҳнат шон-шуҳрати байроқлари кўтарилмоқда. Янги тартиб ҳар бир меҳнат коллективининг, у қайси тармоққа қарашлигидан қатъи назар, умум ишига қўшган ҳиссасини объектив баҳолаш имконини бермоқда.

ИЖОДИЙ ҲАМКОРЛИК ШАРТНОМАСИ

— Бизнинг коллективимиз 1979 йилда «Кинешмастрой» трести бинокорлари билан мусобақалашиш ҳақида биринчи шартнома тузган эди,— деб таъкидлади «Узбекшахтострой» трести бошқарувчиси **Э. В. Калустян.**— Янги шартномада ишлаб чиқариш масалалари қатори социал характердаги масалалар ҳам ҳисобга олинган.

Илғор ишчилар ва комсомол-ёшлар бригадалари мунтазам ўзаро тажриба алмашмоқдалар. «Ўз касбининг моҳири» номини олиш учун бригаликда конкурслар ўтказилмоқда.

Трестимизга қарашли 1-қурилиш-монтаж бошқармасининг А. Аннамуродов бошчилигидаги ва кинешмалик А. И. Коротков раҳбарлигидаги гишт терувчилар бригадалари ўртасида мустаҳкам дўстона ҳамкорлик йўлга қўйилган. Бригадирлар бир-бирларининг қурилиш майдонларида бўлишди, меҳнатни ташкил этишдаги янгиликлар билан танишдилар, ишни оқилона олиб бориш усулларини ўртоқлашдилар. Бу иш кўрсаткичларининг яхшиланишига олиб келмоқда. Ангренлик Р. Р. Шрейдер ва Ф. С. Махмутовалар раҳбарлигидаги бўёқчилар бригадалари А. К. Лобанова ва Э. Кругликова бошчилигидаги бригадалар билан мусобақалашмоқдалар. Улар ғолибни биргаликда аниқламоқдалар ва уни эсдалик вимпели билан мукофотламоқдалар.

Трестимизнинг қатор бошқа бригадалари, айрим бинокорлари ҳам ивановолик ҳамкасблари билан мустаҳкам алоқа боғлаганлар. Бундай мусобақадошлар сафи тобора кўпайиб бормоқда.

Биз ўзаро ҳамкорликнинг 6-йилига қадам қўйдик. Меҳнат беллашуви давом этмоқда. Бизни ажратиб турган масофа ҳамкорликда меҳнат қилишимиз ва биродарлигимизга тўсиқ бўлолмайди.

ТАЖРИБА ҲАМ БИР БОЙЛИК

— Тошкент области меҳнаткашлари билан бўлган дўстлигимиз вақт синовидан ўтган,— дейди Болгария Халқ Республикаси Хасково округи Димитров химия комбинатининг аппаратчиси **Ненко Латис Недев.**— Биз тажриба ва билимларимизни ўртоқлашиб туриш қанчалик қимматли эканлигини яна бир бор ҳис этдик. Бу гал ҳам областингизнинг айрим корхоналарида бўлиб, мусобақадош дўстларимизнинг қимматли ташаббуслари билан қизиқиб танишдим.

Бу ерда кўрган нарсаларимизнинг кўпчилиги Болгарияда ҳам асқотиши турган гап. Тошкентликлар саноат корхоналарида меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашнинг янги тартибини катта қизиқиш билан жорий этаётганликлари мени, айниқса, қувонтирди. Барча коллективларда коммунистлар ва касаба союз активлари меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини янада мустаҳкамлашга ҳаракат қилаётганликлари сезилиб турибди.

Бир сўз билан айтганда, улар КПСС XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг 1984 йил февраль ва апрель Пленумлари қарорларига амалий иш билан жавоб бермоқдалар. Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил этилганлигининг 60 йиллиги, Совет халқининг Улуғ Ватан урушида ғалаба қилганлигининг 40 йиллиги шарафига зарбдор меҳнат вахтасида туриб ишламоқдалар.

Болгария ва Совет халқи ўртасидаги дўстлик мангу бўлсин, Хасково округи ва Тошкент области меҳнаткашлари ўртасидаги дўстона алоқалар мунтазам давом этаверсин!

МАСОФА УЗОҚ, КЎНГИЛ ЯҚИН

— Ушбу давра суҳбатида қатнашишимизни катта шараф деб ҳисоблаймиз,— деди тўқимачилик ва енгил саноат ишчилари касаба союзи Иваново область комитетининг секретари **А. Д. Осина.**— Орденли областимизнинг 200 минг кишилик тўқимачилар отряди тошкентликларга катта меҳнат муваффақиятларида тилайди.

Тармоғимизнинг деярли ҳар бир корхонаси қайтадан туғилмоқда. Тор ва пастқам ишлаб чиқариш бинолари, жисмоний ва маънавий эскирган асбоб-ускуналар, чоризм фабрикантларидан қолган бундай мерос ўтмишга айланди. Тўқимачилик саноатида меҳнатни тежайдиган замонавий технологик жараёнлар ҳиссаси тобора ортиб бормоқда. Янги ишлаб чиқариш қувватлари ишга тушириляпти.

Область енгил саноатида корхоналарни реконструкция қилиш ва техник қайта ускуналаш ишлаб чиқаришни тўхтатмаган ҳолда, маҳсулот тайёрлашни муттасил кўпайтириш билан биргаликда амалга оширилмоқда.

Ишлаб чиқаришни реконструкция қилиш, меҳнат шароитларини тубдан яхшилаш комплекс программасини амалга ошириш натижасида тўқувчилик касбларининг обрўси анча ортди, маҳаллий ёшлар корхоналарга, тармоқ ҳунар-техника билим юртларига кўпроқ келадиган бўлиб қолдилар. Энг муҳими ана шу жараён давомида кишиларнинг ўзлари камол топишди. Чунки, реконструкция улардан фақатгина билим даражасини, умумий ва ҳунар маданиятини оширишнигина талаб қилмай, шу билан бирга иш давомида дўстлик ва ўзаро кўмаклашиш руҳини ривожлантиришга, ташаббускорлик ва ижодкорликни кучайтиришга кўмаклашди.

Реконструкциянинг бутун мураккаблигини ўз елкасида кўтарган ва янги техниканинг тез сўръатлар билан ўзлаштирилишини таъминлаган ажойиб кишиларимиз ҳақида гапирмасдан ўтолмайман. Ўз ишининг моҳир устаси, камволь комбинатининг тўқувчиси, партиямиз Марказий Комитетининг аъзоси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Валентина Николаевна Голубева ана шундай шавкатли ишчилар сафида биринчи бўлиб туради. Унинг меҳнатдаги жасорати яқинда иккинчи «Ўрок ва Болга» олтин медали билан тақдирланди.

Областимиз енгил саноати корхоналарининг 40 мингдан ортиқ ишчиси ўзларининг машҳур ҳамшаҳарларидан намуна олиб, кўпстанокчилик ҳаракатида иштирок этмоқдалар. Замонавий, бошқариш учун қулай, юксак унумли техника, ишончли инженерлик таъминоти, меҳнатнинг қулай шароитлари асбоб-ускуналарга хизмат кўрсатиш зонасини кенгайтириш учун ҳаракатининг кенг авж олишида мустаҳкам негиз бўлиб хизмат қилди. Ҳозирги кунга келиб йигирувчилар ва тўқувчиларнинг 98 процентдан кўпроғи пландан ташқари зичликдаги дастгоҳларни бошқармоқдалар, 203 минг нафардан ортиқ ишчи эса шахсий беш йиллик топшириқларини бажарди.

Иваново ва Тошкент областлари. Улар оралиғи минглаб километрни ташкил этади. Лекин бу масофа дўстликка ҳеч қандай тўсиқлик қилолмайди. «Минглар шартномаси» шиори остида бошланган мусобақа кун сайин янги чўққиларни эгалламоқда. Тўқимачилар, энергетиклар, машинасозлар дўстлари билан илғор тажрибани ўзаро алмашмоқдалар, Иваново корхоналарида Тошкент олимларининг тадқиқотлари жорий қилинмоқда. Ўзбек мелиораторлари ноқоратупроқ зонанинг ҳосилдорлигини оширишга ҳисса қўшмоқдалар. Бу ҳақиқий дўстлик, асл маънодаги биродарлик тимсолидир.

БИР-БИРИМИЗДАН ЎРГАНМОҚДАМИЗ

— Тошкентлик деҳқонлар билан ўзаро мусобақа ютуқларимизнинг кўпайишига ёрдам бермоқда,— деди Жиззах области Жиззах районидаги Навоий номли колхоз пахтачилик бригадаси бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони **А. Раҳматов.**— Биз бир-биримиздан ўрганяпмиз, доим ўзаро тажриба алмашмоқдамиз.

Мен раҳбарлик қилаётган бригада коллектив пудратга ўтди ва пахта етиштириш ҳамда уни давлатга топширишда йил сайин юксак кўрсаткичларга эришмоқда.

Коллективимиз нарядсиз ишлаш системасининг афзалликларини амалда кўриб турибди. Бу прогрессив усул асосида ишлаб, ўтган йили пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари етиштиришни анча кўпайтирдик. 1982 йилда ҳар гектар ердан 55 центнердан пахта ҳосили олинди. 1983 йили эса унинг ҳосилдорлиги яна беш центнер ортди. Шунга мувофиқ моддий рағбатлантириш ҳам яхшиланди.

Бригадамиз коллективи юбилей йилида ҳар гектар ердан 60 центнердан пахта етиштириш ва бу билан Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил этилганлигининг 60 йиллигини муносиб нишонлашга аҳд қилган. Янгийўл районидаги «Ленинизм» колхози меҳнаткашлари билан ўзаро анъанавий социалистик мусобақа ҳам бунга ёрдам беради. Чунки, бундай ҳамкорлик йил сайин мустаҳкамланиб, янги қирраларини намойиш этмоқда.

УЧРАШУВ ҚАТНАШЧИЛАРИНИНГ ТАКЛИФЛАРИ

Б. Ж. ЖЎРАЕВА—Тошкент тўқимачилик комбинатининг 83-ҳунар-техника билим юрти ишлаб чиқариш ўқуви мастери, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, КПСС XXVI съезди делегати:

— Меҳнат ветеранларининг тажрибаси — бебаҳо бойликдир. Шунинг учун мен кадр ишчилар ва ишлаб чиқариш илғорларини таклифимга қўшилиб, умумий таълим ва ҳунар мактабларида ишлаб чиқариш ўқуви мастерлари бўлишга чақираман.

Ҳ. А. ИСАМУҲАМЕДОВ — Тошкент тепловоз депосининг машинисти, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати:

— Ҳақиқий ишчи халқ бойлигини талон-тарож қилаётганларга нисбатан мурасасоз бўлолмайди. Бизнинг деподагилар «Ҳар борада, ҳар доим тежамкорликка эришайлик!» шиорига содиқ қолмоқдалар. Областимиз барча корхоналарининг ишчилари иқтисод ва тежамкорлик Бутуниттифоқ кўригида актив қатнашсалар, айни муддао бўлур эди.

Ғ. Ҳ. ҲОЛИҚУЛОВ — металлургия саноати ходимлари касаба союзи область комитетининг раиси:

— Бригада пудрати шароитида бригада совети ва касаба союз группасининг мавқеи ошади. Ана шу масалалар доимий ишлаб чиқариш кенгашларининг мажлисларида муҳокама қилиб турилса яхши бўларди. Шунингдек, махсус семинарлар ўтказиш ҳам фойдадан ҳоли бўлмайди.

Т. ЖЎРАЕВ — Калинин районидаги Калинин номли колхоз касаба союз комитетининг раиси:

— Ўзбекистон ССР ва республика Компартиясининг юбилейига қадар икки беш йиллик топширигини бажарадиган новаторларга область партия комитети, область касаба союзлари советининг ташаккурномасини йўллаш керак. Уларни диплом ва қимматбаҳо мукофотлар билан тақдирлаш, номларини эса республика Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасининг Ҳурмат китобига ёзиш зарур.

Э. В. КАЛУСТЯН — «Узбекшахтострой» трестининг бошқарувчиси:

— Бугунгача меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашнинг янги формасига ўтган бригадаларимиз бевосита ўзлари бажарадиган ишлар ҳажми учунгина шартнома тузар эдилар. Ердамчи пудратчилар, биноқорлик материалларини етказиб берувчи ва ташиб берувчилар эса негадир четда қолишарди.

Шу йилнинг ўзида сирғалувчан поток бригада пудратини жорий этиш ҳаракатини бошлаб юборсак тўғри бўларди. Бу янгилик Ангрен кўмир разрези реконструкцияси объектларида биринчи «имтиҳон»дан ўтади.

Ф. У. УБАЙДУЛЛАЕВ— «СССР 50 йиллиги номли Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси касаба союз комитетининг раиси:

— Коллективимиз тажрибасидан шу маълумки, ишчилар ўрнини аттестация ва рационализация қилиш тартибини жорий этиш жуда фойдали. Бу тадбир ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириши аниқ. «Ишчи эстафетаси» принципи асосидаги мусобақаларни оммалаштиришга, айниқса, эътиборни кучайтириш керак.

Саҳифани «Тошкент ҳақиқати»нинг мухбири М. МИРҲАМИДОВ, «Ташкентская правда» мухбири П. БОРШЧОВ, область касаба союзлари Совети бўлим мудири О. ШАБАНОВлар тайёрлади.



ВАСХНИЛнинг Ўрта Осиё бўлимига қарашли Ўзбекистон чорвачилик илмий-тадқиқот институти ходимлари Тошкент области чорвадорлари билан ҳамкорликда мўл гўшт ва жун берадиган янги қўй наслини яратдилар. Бу қўйлар ўзининг маҳсулдорлиги ва жунининг сифатлилиги билан ажралиб туради. Уларнинг тирик вазни 150 килограммгача етади, йил давомида тўққиз килограммгача жун олиш мумкин. Айни пайтда областимизнинг «Ангрен», «Оҳангарон», «Коммуна» ва «Соҳибкор» сингари хўжаликларида бу наслли қўйлар парварриш қилиниб, мўл маҳсулот олинмоқда. Суратда: Ўзбекистон чорвачилик илмий-тадқиқот институтининг бўлим бошлиғи, қишлоқ хўжалик фанлари кандидати М. Ҳайдаров, «Ангрен» совхозининг бош чўпони С. Ўрозалиев ва шу институтнинг кичик илмий ходими А. Яқубова ўртоқлар наслдор қўзини кўрикдан ўтказишяпти.

А. Усмонов фотоси.

(ЎзТАГ).

Бўка районидаги Ҳамза номли колхознинг Жумабой Жонталиев бошчилик қилаётган бригадаси деҳқонлари бу йил 60 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 45 центнердан «оқ олтин» етиштириш учун қизғин курашяптилар. Айни кунларда коллектив заршуносларн ғўза парваришини намунали олиб бормоқдалар. Ғўза қатор ораларига ишлов беришда, озиқлантиришда бригада механизаторн А. Салимов жонбозлик кўрсатмоқда. Суратда: А. Салимов.

А. Мальцев фотоси.

ЁН ДАФТАРДАГИ СЎЗЛАР

ЙИЛЛАР ва ТАҚДИРЛАР

ЗУҲУР ака кундалик тутишни ёқтиради. Лекин уни ҳар куни тўлдирмайди, фақат ўз ҳаёти, бригадаси фаолиятига оид энг муҳим воқеаларни қайд қилиб боради. Улар вақт ўтиши билан давр синовида сайқалланиб, Зуҳур ака учун катта сабоққа айланади.

Бугунги илиқ ёз тонгини ҳам у далада қаршилади. Шийпонда ўтириб кундалигига қуйидагиларни ёзди: «Эртаки картошка йиғиштириб олиш қизғин бормоқда. Кўкламда уруғнинг ҳаммасини машинада эккан эдик. Кейин устига полиэтилен плёнкаси тортдик. Экишни тугаллаганимиз ҳақида колхоз идорасига рапорт олиб борган эдим, «Бу йил қиш чўзилиб кетди, эрта экибсиз, ер қизимаса, уруғ намда чириб кетади-ку» дейишди. Парво қилмадим. Деҳқончилик марднинг иши. Мен ўшанда ҳам ўз ишимнинг ҳақлигига ишонгандим. Мана, натижаси кўринибди турибди».

Бу сўзлар замирида оламолам маъно мужассам. Зуҳур ака 30 йилдан буён деҳқончилик қилади. Шундан 12 йили сабзавотчилик бригадасида ўтмоқда. Ҳадеб ер билан тиллашавергандан кейин тупроқнинг нафас олишигача билиб қолар экансан.

...Уруш бошланганида у ўн бир ёшда эди. Беаёв жангу-жадал нафаси Қатортол қишлоғига ҳам етиб келган эди. Бугдойранг, озғингина Зуҳур ҳам эрта тонгдан дастаси бўйидан узун кетмонни кўтариб, кўпчилик қатори далага чиқиб кетар эди. Ўша пайтлар бу ерларда пахта экилар, асосий юмушлар қўлда бажарилгани сабабли чигит экишдан тортиб, ҳосилни териб олгунга қадар деҳқоннинг юрак-бағри хун бўлиб кетарди. Аммо шу машаққатларни сабот билан енгиш, қандай бўлмасин хирмон кўтариш лозимлигини ёшгина Зуҳур яхши англар, катталардек тинмай ишларди. Ҳали болалик одатларини тарк этмаган вужуди билан ўз меҳнати ғалабани яқинлаштираётганини ҳис этиб турарди...

Кейин дориламон кунлар келди. Зуҳур аканинг ҳаётида ҳам кўп нарсалар ўзгарди. Кўзларини шодлик учқунлари тарк этмай қўйди, юзларида ўз ҳаётидан мамнунлик ифодаси пайдо бўлди. Лекин ўзи учун ҳалол меҳнат қилишни энг катта бахт деб билди. Шу боис 30 ёшга тўлганда Ҳурмат белгиси ордени билан мукофотланди. Кейинчалик хўжалик сабзавотчиликка ихтисослашди-ю, унинг бригадаси картошка экиш билан шуғуллана бошлади...

Зуҳур ака кундалигининг бир оз уринган саҳифаларидан бирини очди. Унда шундай ёзувлар битилганди: «Республика халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасида бўлиб бир группа олимлар билан суҳбатлашдим. Улар айрим деҳқонлар ҳосилни кўпайтирамиз, деб экинга селитрани мўлжалдагидан ортиқ солишаётгани, зарарли оқибатларга олиб келаётгани ҳақида жон куйдириб гапиришди. Картошкани, яхшиси, бедадан бўшаган ерларга экиш, маҳаллий ўғитдан кўпроқ бериш фойдали эканлигини алоҳида таъкидлашди.

Мен уларнинг фикрларига тўла қўшиламан. Агар ҳар гектар ерга кам деганда 80 тоннадан маҳаллий ўғит солинса, ҳосил ҳам мўл, ҳам сифатли бўлади. Бунинг учун колхоз-совхозларда маҳаллий ўғит тайёрлаш билан шуғулланувчи махсус бригадалар ташкил этиш керак. Бу ўринда уруғлик танлашга алоҳида аҳамият бериш фойдадан ҳоли бўлмайди».

Дарвоқе, Зуҳур ака кўп йиллардан буён уруғликни ўз хўжалигида етиштиришни орзу қиларди. Ахир уруғликни бошқа республикалардан келтириш учун қанчадан қанча маблағ сарфланади, устига яна оворагарчиликларини айтмайсизми? Борди-ю, келтирилган уруғлик тегишли ташкилотларда дурустроқ текширилмаса, деҳқоннинг йил бўйи қилган меҳнати бир пул бўлиб қолиши ҳеч гап эмас.

Бу муаммолар уруғликни худди шу ерда — хўжаликда етиштиришни тақозо қиларди. Тўғри, бу осон иш эмас. Уруғликни етиштириш ҳам, уни сақлаш ҳам бир олам ташвиш. Агар тайёрланган уруғлик экишга қадар — баҳор ёки кузгача махсус омборхоналарда яхши сақланмаса, сифати йўқолиши, оқибатда картошка кеч етишилиши ёки ҳосилдорлиги пасайиб кетиши мумкин.

Зуҳур ака шуларни ҳисобга олиб, бригада аҳли билан бамаслаҳат 40 тонна уруғлик сақлаш имкониятига эга бўлган омборхона қурдирди. Эндиликда бу бригада миришкорларининг тажрибаси хўжаликка жуда қўл келиб қолди. Бригада районда биринчи бўлиб бутун хўжалик учун уруғлик тайёрловчи коллективга айланди.

Бригада бошлиғининг фикрича колхоз шароитида кечки картошканинг «Обидов» нави кўнгилдагидек ҳосил беради. Бу нав кучли, сершув ерда яхши етилади. Уни камида 7—8 марта суғориш керак. Афсуски, об-ҳаво ҳамма вақт ҳам деҳқонни сийлайвермайди. Жумладан, ўтган йили ҳам шундай ҳол юз берди, ёғингарчилик кам бўлди. Шуни ҳисобга олиб Зуҳур ака сойликка насос ўрнаттирди, оқова сувларни қайта ишлатишни таклиф қилди. Натижада ҳосилдорликка путур етмади. Давлатга пландаги 145 тонна ўрнига 250 тонна картошка, 760 тонна ўрнига 1200 тонна сабзавот топширилди.

Доимо ташаббус кўрсатиш, ишлаб чиқаришнинг олдинги сафларида бўлиш Зуҳур аканинг энг яхши фазилатларидан бири. Мана, уч йилдирки, район партия комитети унинг картошкадан юқори ҳосил олиш бўйича ташаббусини маъқуллаб, тажрибасини бошқа хўжаликларда ҳам кенг ёйиш бўйича қарор қабул қилмоқда.

Агар деҳқон астойдил тер тўкса, ер ундан ўз саховатини аямайди. Бунинг учун эса вақти келганда тонгги ширин уйқудан, оилавий ҳузур-ҳаловатдан воз кечиш, ҳалол меҳнатни аямаслик керак.

...Ўтган кузакда Зуҳур аканинг уйига узоқ вақт кўришмаган олим дўсти келиб қолди.

— Уй-жойингга ҳавасим келди,— деди у суҳбат анча жонлангандан сўнг Зуҳур акага мулойиб тикилиб.— Тоза ҳаво, кўм-кўк дала. Яшашинг чакки эмас. Кел энди, дала шийпонингга бориб бир ҳангомалашайлик.

Зуҳур ака розилик бергандай бўлиб бош силкиди-ю, аммо қоронғи тушартушмас мудраб қолди. Эртаси тонгда уйғонган дўсти уни ўз жойидан топа олмади.

«Ҳа, дўстим, сенинг яшашингга ҳавасим келганди,— деб ёзибди у бир ҳафтадан сўнг йўллаган мактубида.— Лекин ишинг шунчалик шошилинч эканлиги, ҳатто қадрдон дўстинг билан тузукроқ гаплаша олмаслигинг, қолаверса, хайрлашишга ҳам вақт топа олмаганлигинг аввалига бироз нафсониятимга тегди. Кейин ўйлаб кўрсам, хато фикрга борган эканман. Сиз деҳқон халқи доим икки оёғингизни бир этикка тиқиб юришингизга яна бир бор ишондим»...

Зуҳур ака хатни ўқиб ўйга чўмди. Тўғри, дўстининг хафа бўлганича бор. Аммо нима ҳам қилсин. Қишлоқнинг бетиним ҳаёти шундай. Вақт кутиб турмайди. Ўтади-ю, қайтмайди. Вақтинг кетди, нақдинг кетди деган нақл айнан деҳқонларга қарата айтилганмикин, аслида.

Бироқ, Зуҳур ака умрининг бекорга ўтмаётганидан мамнун. Калинин районидаги «Партия XX съезди» колхозида ҳалол меҳнати орқали ҳурмат-эътибор топди. Ҳукуматимиз хизматларини муносиб тақдирлаб, Ленин ордени, Октябрь революцияси, Ҳурмат белгиси орденлари билан мукофотлади.

— Бригадамиз аъзоларининг аҳдлари қатъий,— дейди у бу йилги режалари ҳақида сўзлаб.— Беш йилликнинг тўртинчи йилида ҳосилдорликни картошка бўйича 280 центнерга, сабзавот бўйича 500 центнерга етказамиз. Бу коллективимизнинг мамлакат Озиқ-овқат программасига қўшган муносиб ҳиссаси бўлади.

...Зуҳур ака яна қўлига кундалигини олди. Одатдагидай бир оз ўйга чўмгач, донадона қилиб ёза бошлади: «Тонгда киши хаёлига тиниқ фикрлар келади. Бу тонг меҳнатимиз самарасидан қувониб ширин хаёлларга бердим. Деҳқоннинг куч-қудрати, ернинг саховати ҳақида ўйладим. Мен ана шу оддий, лекин олийҳиммат фидоий кишилар сафида бўлганлигимдан фахрланаман».

А. ҲАТАМОВ.

Советлар ва ободонлаштириш

ҲАММАСИ АҲОЛИ УЧУН

ТОШКЕНТ областида шаҳар ва район марказларини, аҳоли яшайдиган пунктларни ободонлаштириш, уларнинг санитария ҳолатини яхшилаш юзасидан қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Шу мақсадлар учун область бюджетидан 700 минг сўм маблағ ажратилган. Область ижроия комитети апрель ойида ободонлаштириш ишларини янада ривожлантириш бўйича махсус қарор қабул қилди. Ҳар бир шаҳар ва район ижроия комитети Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллик юбилейини муносиб кутиб олиш мақсадида шаҳар ва район марказларини ҳамда аҳоли яшайдиган пунктларни обод ва кўркам қилиш бўйича конкрет тадбирлар ишлаб чиқди. Область шаҳар ва районлари «Ободонлаштириш ва яхши санитария ҳолати учун» шиори остида уюштирилган социалистик мусобақада актив иштирок этмоқда.

Коммунистик райони ана шу мусобақа пешқадамлари сафида бормоқда. Район уй-жой коммунал хўжалиги ва ободонлаштириш комбинати хўжалик ва маданий қурилишга раҳбарлик қилиш услуб ва методларини такомиллаштириб, барча имкониятларни иқтисодий ва социал ривожлантириш планларини бажаришга сафарбар этмоқда. 1984 йилнинг тўрт ойида план ва социалистик мажбуриятлар муваффақиятли бажарилди. Пландан ташқари 80 минг сўмлик коммунал хизмат кўрсатилди. Жумладан, меҳмонхона хизмати бўйича план 112 процент, аҳолига паспорт режими хизмати бўйича 133 процент, ободонлаштириш ва кўкламзорлаштириш бўйича 116 процент, уй-жой фондини капитал ремонт қилиш бўйича 116 процент ва жорий ремонт бўйича 101 процент бажарилди.

Район маркази — Янгибозор посёлкаси ва бошқа аҳоли пунктлари йилдан йилга кўркам ва обод бўлиб бормоқда. Шу мақсадлар учун ўтган йили маҳаллий Советлар бюджетидан 70 минг сўмдан ортиқ маблағ сарфланди. Бундан ташқари корхона ва ташкилотларни жалб қилиш ҳисобига ободонлаштириш ва кўкламзорлаштиришда катта ишлар амалга оширилмоқда. Ўтган йилнинг баҳори ва кузида 20 минг тупдан ортиқ мевали ва манзарали дарахт кўчатлари, буталар экилди. 25 минг квадрат метр майдонда гулхоналар барпо қилинди. 6 жойда парк ва ҳиёбонлар ободонлаштирилди. 280 минг квадрат метр йўллар, йўлкалар қурилди ва капитал ремонт қилинди, кўплаб ирригация тармоқлари барпо этилди, кўчаларга электр чироқлари ўрнатилди, болалар спорт ва ўйин майдончалари ободонлаштирилди, керакли жиҳозлар билан таъминланди.

1984 йилнинг биринчи кварталида область районларида социалистик мусобақада яхши кўрсаткичларга эришгани учун Коммунистик райони мусобақа ғолиби деб топилди ва область партия комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Советининг кўчма Қизил байроғи ҳамда пул мукофоти билан тақдирланди.

М. ТОШМАТОВ,
область уй-жой коммунал хўжалиги бошқармаси ободонлаштириш бўлими бошлиғи.

ГЕКТАРИДАН 300 ЦЕНТНЕР

ОҲАНГАРОН районидаги Ворошилов номли совхоз кўп тармоқли, йирик хўжаликлардан. Хўжалик меҳнаткашлари биринчи навбатда сабзавот етиштиришни кўпайтириб боришга эътиборни қаратишмоқда. Миришкорлар ўн биринчи беш йилликнинг тўртинчи йилида 11 минг тоннадан ортиқ сабзавот етиштириш мажбуриятини олишган.

Хўжаликда юксак мажбуриятни шараф билан бажариш учун мусобақа кунданкунга авж оляпти. Илғор сабзавоткорлар Турсунмат Тўлдибоев ва Нафиса Саъдуллаева ўртоқлар етакчилик қилаётган бригадаларнинг меҳнаткашлари бу мусобақада пешқадамлик қилишяпти. Бу коллективлар ҳар йили гектаридан 300 центнердан ошириб сабзавот олиб келишади.

— Хўжалигимизда—1694 гектар суғориладиган ва 2023 гектар лалми ер бор,— дейди совхоз бош агрономи Бобораҳим Нишонов.— Шундан 492 гектарига сабзавот экилган. Биз бутун ҳаракатни ҳосилдорликни оширишга қаратмоқдамиз. Бунда барча бригадаларда пудрат усулининг жорий этилганлигининг самараси катта бўлаяпти.

Совхоз меҳнаткашлари айни кунларда эртаги сабзавот экинларини йиғиштириб олиш билан биргаликда ўртакиларига ишлов беришни қизғин давом эттиришяпти. Умуман улар бу йил эл дастурхонига 830 тонна мева, 285 тонна узум ва кўплаб бошқа маҳсулотлар ҳам етказиб берадилар.

Н. АБДУРАСУЛОВ.

ЧЕТ ЭЛ АХБОРОТИ

ЯКДИЛЛИК БИЛАН ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНДИ

УЛАН-БАТОР. 18 июнь. (ТАСС). МХР пойтахтида бўлиб ўтган халқаро илмий конференция «Совет ва монгол олимларининг термо ядро ҳалокатининг олдини олиш учун кураши» мавзуига бағишланди. Конференцияда икки қардош мамлакатнинг таниқли тарихчи олимлари, врачлари, экономистлари ва биологлари қатнашдилар.

Конференция иштирокчилари Совет Иттифоқининг, социалистик ҳамдўстликдаги бошқа қардош давлатларнинг ер юзида снёсий муҳитни соғломлаштиришга қаратилган тинчликсевар ташқи снёсий ташаббуслари ва таклифларини якдиллик билан қўллаб-қувватладилар. КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси К. У. Черненконинг «Правда» газетаси саволларига ва америкалик журналист Ж. Кингсбери-Смитнинг саволларига берган жавоблари советлар мамлакатининг замонамиз энг муҳим проблемаларини ҳал этишга амалий ёндашганлигини кўрсатувчи ёркин далил эканлиги уқтирилди. Совет раҳбарининг ғоят муҳим ҳужжат бўлиб қолган баёнотлари дунёда кескинликни юмшатишнинг, халқлар хавфсизлигини таъминлашнинг реал йўлини кўрсатиб турибди.

СОВЕТ ВИСТАВКАСИ ОЧИЛДИ

● УЛАН-БАТОР. Монголиянинг катталиги жиҳатидан иккинчи саноат маркази — Дарон шаҳрида совет фани ва техникаси виставкаси — «Сельхозтехобслуживание-84» очилди. Унда қишлоқ хўжалик корхоналарининг замонавий ремонт базаси, устахоналар, техника хизмати пунктларининг комплекс машина-ускуналари, механизациялашган кўчма ёнилғи ташиш, диагноз қўйиш ва жорий ремонт қилиш воситалари кўрсатилмоқда.

(ТАСС).

СССР ДЎСТЛАРИНИНГ УЧРАШУВИ

ЛИССАБОН. (ТАСС). Португалия пойтахти яқинидаги Байша-да. Баньейра шаҳарчасида «Тинчлик, дўстлик ва ҳамкорлик» шиори остида Совет Иттифоқи дўстларининг умуммиллий учрашуви бўлиб ўтди. Учрашув Португалия билан СССР ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганлигининг 10 йиллигига бағишланди.

Учрашув ҳар икки мамлакат халқлари дўстлигининг ёркин байрамига айланди. Португаллар Португалиянинг Сантарина шаҳри билан биродарлашган Тирасполдан келган туристларнинг катта бир группасини самимий қабул қилдилар. Фольклор ансамбллари, болалар ва ёшларнинг ўз маҳоратларини намойиш қилишлари, шунингдек спорт мусобақалари мароқли ўтди.

● ГФР. Фашист концлагерларида тутқинликда бўлганлар бугунги кунда мамлакатда авж олиб бораётган тинчликни мустаҳкамлаш ва қуролсизланиш ҳаракатнинг олдинги сафларида бормоқдалар. ГФР антифашистлар иттифоқининг аъзолари қуролланиш пойгасини авж олдираётганларга тарих сабоғини эслатмоқдалар.

ТАСС фотохроникаси.

ЎЗБЕКИСТОН ЧЕТ ЭЛЛИКЛАР НИГОҲИДА

АДОЛАТ ҚАРОР ТОПГАН МАМЛАКАТ

СЕРҚУЁШ республикамизга ва тинчлик ҳамда дўстлик шаҳри бўлган Тошкентга ҳар йили хорижий юртлардан минглаб туристлар ташриф буюришади. Улар қандай мамлакатдан келганларидан, қандай тузумда яшаётганларидан қатъий назар диёримизда юз берган буюк ўзгаришлардан ҳайратланадилар.

Яқинда Афғонистон Демократик Республикаси мусулмон руҳонийларининг вакиллари — бир группа меҳмонлар республикамизда бўлишди. Улар Тошкент, Самарқанд, Янгийўл, Фарғона, Марғилон ва Андижонда бўлишди. Саноат корхоналари, колхоз ва совхозларни, мактабгача ёшдаги болалар муассасаларини бориб кўрдилар. Янги қурилишлар кенг кўламда олиб борилаётган районлар, қадимий ёдгорликлар ва бошқа тарихий обидалар билан танишдилар.

Группа раҳбари Садриддин ўз таассуротларини баён этар экан, жумладан шундай деди:

«Совет Ўзбекистонининг ишлаб чиқариш ва ҳаётнинг ҳамма жабҳаларида беқиёс ютуқларга эришганлигининг гувоҳи бўлдик. Бу бизларни қувонтиради. Бутун совет халқи, ажойиб республикангиз меҳнаткашлари билан биргаликда биз ҳам фахрланамиз.

Янги ҳаёт қураётган демократик Афғонистон СССР ва шу жумладан Ўзбекистоннинг ёрдамини мунтазам ҳис этиб турипти. Бугунги кунда Ўзбекистоннинг ўзи бошқаларга ёрдам кўрсатаётган экан, бу социализмнинг буюк куч-қудрати, шу ижтимоий тузумнинг афзалликларини ёркин ифода этиб турипти. Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси тажрибаси биз учун катта ва фойдали мактабдир. Сизнинг бугунги кунингиз бизнинг эртанги кунимизни ёритиб турипти».

Меҳмонлар Янгийўл районидаги «Ленинизм» колхозида қизиқарли учрашувларнинг гувоҳи бўлишди. Сўнгра колхоз правлениеси биносида хўжалик раиси Абдуғаффор Иброҳимов билан суҳбат бўлиб ўтди. У колхоз тузилишининг тарихи, дастлабки йиллардаги қийинчиликлар, Совет давлатининг ёрдами, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши ва даромадининг аста-секин ўсиб бориши, қишлоқларни ободонлаштириш, маҳаллий аҳоли турмуш шароитини яхшилаш, колхозчилар хонадонларига электр нури, водопровод сувининг кириб келиши хусусида ҳикоя қилиб берди. Меҳмонлар колхоз ҳаёти билан жуда қизиқиб танишдилар. Чунки, уларнинг мамлакатида ҳам давлат деҳқончилик хўжаликлари, яъни кооперативлар барпо этилмоқда. Шунинг учун бўлса керак, колхоз раисига жуда кўплаб саволлар беришди.

— Кўпгина уйларнинг олдида енгил автомашиналар турипти, булар кимники?

— Улар деҳқонларимизники, 700 киши ўзининг шахсий машинасига эга. Колхозимизда эса мингга яқин хонадон бор, холос.

— Колхоз уйлар қуриб, сўнгра уни ўз аъзоларига беряпти, деб эшитдик. Ижара ҳақи қанча турадн?

— Масалан, тўрт хонали уйда яшовчи колхозчи электр қуввати билан ичимлик сув учун 20 сўм атрофида ҳақ тўлайди. Бу иш ҳақининг 4—5 процентини ташкил этади.

Суҳбат мавзуси тез-тез ўзгариб турди. Колхозчилар меҳнатига қандай ҳақ тўланаётганлиги, уларнинг ўртача иш ҳақлари, яна бошқа даромад манбалари, томорқалардан чиқаётган маҳсулотларни қандай реализация қилаётганликлари, яқин қариндош — уруғлари бўлмаган кексаларни кимлар моддий томондан таъминлаши каби масалалар ҳам меҳмонларни жуда қизиқтирди. Уларнинг бу саволларига мукаммал жавоблар берилди. Афғонистонлик дўстларимиз ўз ҳаяжонларини «Биз ҳам шундай яшашни истардик», «Сизларда меҳнат чинакам бахт келтирар экан», «Сизларнинг қишлоқ хўжалигини ривожлантириш соҳасидаги тажрибангиз 70 процент даромадни деҳқончиликдан олаётган Афғонистон учун жуда фойдалидир» каби дил сўзлари билан изҳор этдилар.

Меҳмонлар ўн кун давомида Ўзбекистоннинг бир қатор шаҳар ва қишлоқлари аҳолисининг турли табақалари вакиллари, шу жумладан диндорлар билан ҳам қайта-қайта учрашдилар. Афғонистон Демократик Республикаси уламолари кенгашининг аъзоси Саид Алишох Совет Иттифоқидаги мусулмонлар аҳволи ҳақидаги ўз фикрини баён этиб шундай деди:

— Биз Совет Иттифоқида, шу жумладан Ўзбекистонда миллий анъаналар ғоят қадрланишини кўрдик. Ўзбек қардошларимиз билан бўлган суҳбатда уларнинг диний эътиқодлари чеклаб қўйилмаганлигини билиб олдик. Ҳолбуки, сизнинг мамлакатингизда ибодат қилиш тақиқлаб қўйилган, деган сўзларни кўп марта эшитгандик. Амалда эса барча гражданлар қатори диндорларнинг ҳам ҳуқуқлари ҳимоя қилинар экан. Улар совет жамиятининг тўлақонли аъзоларидир.

Афғонистонлик меҳмон Музаффариддин эса ўз таассуротларини шундай ифода этади:

«Ўзбекистон тараққиёт бобида жуда илгарилаб кетган. Биз буни шаҳар ва қишлоқлар жамолида кўриб турибмиз. Бу ерда ҳамма нарса халқ учун, бунёдкор инсон учун. Биз Ўзбекистон тажрибасига амал қилиб, жонажон Афғонистонимизни ўз меҳнатимиз билан жадал ривожлантира олишимизга ишонамиз».

«Ўзбекистонда кўрганларимизнинг барчаси тасаввуримиздагидан ҳам аъло бўлиб чиқди,— дейди Афғонистон Демократик Республикаси дин арбоби Муҳаммад Сиддиқ.— Бу ҳақда неча жилд китоб ёзиш мумкин. Совет халқи меҳнатсевар ва олийжанобдир. Бу ерда дўстлик, қардошлик, тинчлик ва яратувчилик муҳити ҳукм сурмоқда. Биз афғонлар Советлар мамлакатининг ҳақиқий дўстлари сифатида Совет Иттифоқи, Ўзбекистон, республикангизнинг шаҳар ва қишлоқлари, унинг кишилари тўғрисида унутилмас таассуротлар олиб қайтмоқдамиз.

Ф. МИРАСОВ.

ЖАҲОН ШАҲАРЛАРИ ВА ПОЙТАХТЛАРИДА

● ЛИССАБОН. Португалия пойтахти метроси ёмон ишлаш бўйича рекорд қўймоқда. Шу ҳафтанинг бир кунидагина унинг линияларида тўртта авария бўлди. Натижада ҳаракат бир неча соат тўхтаб қолди. Поездлардан бирининг йўловчилари олиб чиқиб кетилишини кутиб туниелда 20 минут қолиб кетдилар.

● ҚОҲИРА. «Ал гумхурия» газетаси Африка ва Яқин Шарқнинг катта шаҳри тўғрисида «Қоҳира бўғилмоқда» деган мақола босиб чиқарди. Унда айтилади-ки, Миср пойтахти аҳолисининг зичлиги жиҳатидан дунёда Нью-Йорк ва Токиодан кейин учинчи ўринга чиқди. Бу ерда 1 квадрат километрдаги аҳоли сони 2400 кишига боради. Шаҳарнинг марказий районларида икки квадрат метрда 5 нафар қоҳирали яшамоқда, деб ёзади «Ал гумхурия». Расмий маълумотларга кўра, пойтахт аҳолисининг сони 11 миллиондан ошиб кетган, деб давом қилади газета, ҳақиқатда аҳоли бундан ҳам анча кўп. Шу билан бирга бутун шаҳар коммунал хизматлар комплекси, шу жумладан сув таъминот ва канализация системалари атиги 2 миллион кишига мўлжалланган. Катта Қоҳирада уй-жой ғоятда танқис, транспорт ва атроф муҳит проблемалари оғир.

Шунга қарамай, шаҳар аҳолиси табиий кўпайиш натижасида, шунингдек мисрликлар мамлакатнинг ҳамма томонидан иш излаб бу ерга келиши натижасида ғоятда тез кўпайиб бормоқда. Туб чоралар кўрилмаса икки мингинчи йилга борганда Каттэ Қоҳирада 20 миллиондан кўп киши бўлади, деб огоҳлантиради «Ал гумхурия».

● РИО-ДЕ-ЖАНЕЙРО. Бразилиядаги Сан-Паулу шаҳрининг полицияси чақалоқларни чет элларга сотиш билан шуғулланувчи яна бир жиноятчи гуруҳ фош этилганлигини хабар қилди. Полициянинг маълумотларига кўра, кейинги икки йил ичида жиноятчилар бефарзанд ажнабийларга 30 га яқин чақалоқни сотганлар ва ҳар бирига 500 доллардан ҳақ олганлар.

Чақалоқларни тўрт кишидан иборат тўда «экспорт» қилиб турган. Маҳаллий касалхоналардан бирининг директори ва катта ҳамшираси ҳам бу ишга аралашиб, жиноятчиларга ёрдам бериб турган. Бечора ёлғиз оналар ўз фарзандларини сотишга мажбур бўлганлар.

● ДАККА. Жала ёмғирлар сабабидан Карнапхули ва Сангу дарёларининг тошиши натижасида Бангладешнинг жанубий районларида эллик мингдан кўпроқ деҳқон бошпанасиз қолди. БСС ахборот агентлигининг хабар беришича, мамлакатнинг катталик жиҳатидан иккинчи шаҳри — Читтагонг пастлик районларининг кўчалари сув остида қолган. Бангладешнинг шимолий қисмида ҳам аҳвол чатоқ. У ерда июнь ойида кейинги ўттиз йил ичида энг кўп ёғинсочин бўлганлиги қайд этилди. Тиста ва Брахмапутра дарёларида сув юзаси энг баланд нуқтага кўтарилди. Нилп Хамари шаҳрининг атрофларида 20 минг гектар шолипояни сув босди.

(ТАСС).

БУНДАЙ МАРОСИМЛАР КЕНГ ОММАЛАШСИН

СИЗГА ТАЪЗИМ, СИЗГА ШАРАФ-ШОН

ТЕЛЬМАН НОМЛИ МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОҲАТ БОҒИДА ОНАЛАРГА БАҒИШЛАНГАН КЕЧА

Назира опа, Мирза ака Умаровларнинг 14 фарзанди бор. Улар бугун оила аъзолари билан Тельман номли маданият ва истироҳат боғида ўтказилаётган қаҳрамон оналарни шарафлаш кечасига таклиф қилинганлар. Байрамона безатилган саҳнага меҳрибон ота-она фарзандлари билан чиқиб боришди. Ҳамманинг қувончи чексиз. Лекин онанинг кўнглида кичик армони бор. Ҳозир бу ерга 13 фарзанди келган. Бири ҳарбий хизматда. Солдат ўғли катта, аҳил оиласини олқишлашаётганлигини бир кўрса эди.

Бугунги кеча ташкилотчилари шундай кунда опага антиқа «совға» тайёрлашганидан Назира опанинг хабари йўқ. Бошловчи даврага ҳарбий кийимдаги йигитни таклиф қилди. Ҳамманинг қарсаклари остида Ботир ўзини меҳрибонлари бағрига отади...

Кўп болали аёлларга «Қаҳрамон она» фахрий унвони бериш тўғрисидаги ҳукумат қарори чиққанлигига бу йил қирқ йил бўлади. Шу сана ва Ўзбекистон ССР ва республика Компартиясининг 60 йиллиги муносабати билан республика социал таъминот министрлиги шаҳар ижроия комитети билан ҳамкорликда мана шундай кеча ташкил қилишга қарор қилди.

Табрик учун сўз шаҳар ижроия комитети раисининг ўринбосари В. Аловуддинова берилади. У бу ерга йиғилган, оналик шуҳрати нишонлари кўксини безаган, иқболи яшнаган аёлларимизни чин қалбдан қутлаб, уларга сиҳат-саломатлик, ҳаётларида тинчлик, осойишталик тилади. Республика социал таъминот министри Х. Ёқубжонова серфарзанд оилаларга яратиб берилаётган имтиёзлар ҳақида тўхталди.

Пойтахтнинг энг яхши бадиий ҳаваскорлик коллективлари репертуарларидаги халққа манзур куй ва қўшиқларини давра иштирокчиларига ҳадя этишди. Санъаткорлар номидан сўз олган СССР халқ артистлари — Сора Эшонтўраева, Бернора Қориевалар азалдан меҳнатсевар, серфарзанд аёлларимизни самимий қутладилар. Оналаримиз тарбиялаган фарзандлар оғир уруш йилларида жасорат кўрсатиб жангга кирган бўлсалар, ҳозир моддий бойликлар яратиш учун сидқидилдан меҳнат қилмоқдалар.

Даврада серавж куйлар, дилрабо қўшиқлар янгради. Авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси маданият саройининг бир неча бадиий коллективлари, Тошкент чинни, электрон техника заводларининг, тўқимачилар маданият саройи ҳаваскорлик ансамбларининг ранго-ранг номерлари барчанинг олқишига сазовор бўлди. Бу оқшомга шаҳримиз мактабгача тарбия муассасалари тарбияланувчилари ҳам ташриф буюришган. Улар боғча опаларн ўргатган куй ва қўшиқларни онажонларига бағишлашди.

Тошкент олий ўқув юртларида таълим олётган чет эллик аёллар номидан Амеха Ессаре сўзга чиқиб шундай деди:

— Ўрта осиёликлар, айниқса, ўзбеклар серфарзанд бўлишади. Менинг уларга ҳавасим келади. Болаларни ўқимишли, ҳақиқий инсон қилиб тарбиялаш учун ўлкангизда барча шароитлар бор. Мен ҳам ўн боланинг онаси бўлишни истайман. Фақат тинчлик бўлса бас!

Дарҳақиқат, биз катта оилаларимиз билан фахрланса арзийди. Мана бу рақамларга эътибор беринг. Фақатгина Тошкент шаҳрининг ўзида 16 минг кўп болали она бор. Улардан 1,5 минги ўн ва ундан кўп ўғил-қизни тарбиялаган, биргина Собир Раҳимов районида 450 аёл ўндан ўн беш нафаргача бола тарбияламоқда. Яна диққатга сазовори шуки, бу оилаларнинг аксарият фарзандлари меҳнатда илғор, ўқишда аълочи, жамоатчи йигит-қизлардир.

...Тельман номли маданият ва истироҳат боғида бўлиб ўтган оналарни шарафлаш маросими пойтахт аҳолисининг катта сайлига айланиб кетди.

А. НОСИРОВА.

СУРАТДА: «Оналарни шарафлаймиз!» тантанали кеча иштирокчилари.

Э. Зоҳидов фотоси.

СПОРТ

● ЮБИЛЕЙГА АТАЛДИ

Қарши шаҳрида Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллигига бағишлаб оғир атлетика мусобақалари бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон, Қирғизистон, Қозоғистон, Озарбайжон спортчилари иштирок этишди. 3 кун давом этган қизғин баҳслардан сўнг республикамиз вакиллари 3 минг 228 очко тўплаб, биринчи ўринни олдилар. Бу муваффақиятга тошкентлик спортчилардан Сергей Дёмин муносиб ҳисса қўшди. У икки курашда 350 килограмм натижага эришиб, рақибларидан анча ўзиб кетди. Яна бир ҳамшаҳримиз Қаюм Бурҳонов учинчи ўринни эгаллади.

Мусобақада Қирғизистон оғир атлетикачилари 2497 очко билан иккинчи, қозоғистонликлар эса 2368 очко билан учинчи ўринлар билан чегараланишди.

● ҒАЛАБАЛИКЛАР ПЕШҚАДАМ

Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати давом этмоқда. Биринчи ва учинчи группаларда Самарқанд областининг «Виноградарь» ҳамда Сурхондарё областининг «Оқ олтин» командалари турнир жадвалини бошқариб бораётган бўлсалар, Тошкент областининг «Ғалабинец» командаси иккинчи группада пешқадам бўлиб турибди. «Букинец» спортчилари эса пешқадамдан бир очко кам жамғаришган.

● ЮГУРИШ ЙЎЛКАЛАРИДА

Бекободда югуриш ихлосмандларининг 3, 5 ва 10 километрга мусобақалари бўлиб ўтди. 3 километрга югуришда 10-мактаб ўқувчиси С. Буремаева биринчи бўлиб етиб келди. 5 километрлик масофада қизлар ўртасида 17-мактаб ўқувчиси Д. Коваленко, йигитлар ўртасида эса Бекобод шаҳар индустриал техникумининг талабаси И. Умаров ғолиб чиқдилар. 10 километрга мусобақада эса ёшлар ўртасида 17-мактаб ўқувчиси Р. Первашев, катталар ўртасида цемент комбинатининг ишчиси Т. Тошмуҳамедов ҳаммадан ўзиб кетдилар.

БИЛДИРИШ

Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи Тошкент область бўлими маълум қиладики, Оржоникидзе, Калинин ва Тошкент районлари ижодкорларининг зоналараро семинари шу йил 23 июнь, шанба куни соат 11.00 да Калинин районидаги «Хасдова» совхозида ўтказилади.

ПЕДАГОГЛАР ҲАҚИДА ҲИКОЯЛАР

УНГА ҲАВАС ҚИЛИШАДИ

Малика опа турли ўйлар оғушида мактабга етиб келганини ҳам сезмай қолди. Ўқувчилари бир зумда полопонлардек атрофини ўраб олишди. «Булар билан ишлашнинг ўзи бир роҳат, сенга термулиб турган ҳар бир бола — беғубор, покиза бир дунё, мана шундайлар ичида яшамоқ қандай бахт...», — ҳаёлидан ўтказди у.

Шаҳримизнинг Собир Раҳимов районидаги Форобий номли 249-ўрта мактабнинг она тили ва адабиёти ўқитувчиси Малика Иноғомованинг ҳар бир куни худди шундай сермазмун.

Мактаб директорининг ўқув-тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари Абдулазиз Абдуллаев М. Иноғомова ҳақида тўлқинланиб шундай дейди: «Малика талабчан, тиниб-тинчимас. Камтарлик ва одамийлик фазилатлари билан коллектив орасида ажралиб туради. Унга ҳавас қиласан киши».

Чиндан ҳам шундай. У фақат дарсни мароқли ва таъсирчан ўтиш билангина чегараланиб қолмайди. Синфдан ташқарида бўладиган тадбирлар ҳам талайгина. Уларнинг ҳар бири вақт, ҳафсала талаб қилади, ҳаммасига улгуриш керак.

Моҳир педагог мактаб ҳузурида ташкил этилган «Қизлар клуби»нинг мудираси сифатида ҳам баракали меҳнат қилиб келмоқда. Бу ерда у одоб-ахлоқ, ҳаё, камтарлик, ўзаро ҳурмат, меҳнатсеварлик ҳақида баҳслар уюштиради. Малика турли тарихий саналар, аёлларга бағишлаб ўтказган тематик ва композицион кечалар ўқувчиларнинг билим ва савиясини ошириш билан бир қаторда уларнинг дунёқарашини, маънавий оламини бойитишга ҳам хизмат қилмоқда. Чунки ўқувчи ўқитувчи томонидан топширилган вазифани бажариш жараёнида қўшимча манбалардан фойдаланади, янгилик ва изланишлар билан қизиқади. Масалан, «В. Терешкова — аёллардан чиққан биринчи космонавт», «Турсуной Охунова ҳаёти — ибрат мактаби», «Зулфия — халқ ардоқлаган шоира» каби кечалар шулар жумласидандир. Клуб аъзолари район мактаблари ўртасида ўтказилган анъанавий ҳамзахонлик, навоийхонлик, пушкинхонлик кўрик-конкурсларида актив иштирок этиб, фахрли ўринларни эгаллашди. Бу эса уларга ўқитувчиларн раҳбарлигида Москва — Литва бўйлаб саёҳат қилиш имконини берди.

Малика опа ташкил этган адабий кеча ҳам серфайз бўлган эди. Бу анжуманга таниқли ёзувчи ва шоирлардан Ў. Ҳошимов, Х. Тўхтабоев, Э. Воҳидов, адабиётшунос олимлардан У. Норматов, А. Расулов, С. Ҳайдаров, Х. Муҳаммадхўжаевлар таклиф этилдилар. Кечада ўқувчилар ўқиган асарларидаги ўз севган адабий қаҳрамонлари ҳақида баҳс юритдилар. М. Иноғомова эса фикрларни шарҳлаб берди. Кейин меҳмонлар ўз асарларидан намуналар ўқиб беришди.

— Малика опа бошқараётган адабий тўгарак ишидан мамнунмиз, — дейди унинг ҳамкасби Р. Нормуҳамедова, — унинг меҳнати туфайли шеърият ва проза соҳасида қалам тебратувчи умидли ёшлар ҳам борлиги аниқланди. Уларнинг ижодий машқлари мактабдаги «Ёш адабиётшунослар» деворий газетасида мунтазам ёритиб борилади.

Коллективда Малика опа сингари ўз касбининг усталари анчагина. Раъно Нормуҳамедова, Моҳира Ҳошимова, Абдулазиз Абдуллаев, Елизавета Храмова, Людмила Ахраменкова, Анвар Саидов, Олия Юсупова каби моҳир педагоглар болаларга меҳрибонликлари, гамхўрликлари туфайли касбдошлари орасида катта ҳурмат қозонишган. Ота-оналар, жамоатчилик уларнинг номини ҳамиша эътибор билан тилга олади. Малика опа эса ана шундай кишилар сафида бўлганлигидан фахрланади.

З. ТОШМУҲАМЕДОВА.

САНЪАТ ЯНГИЛИКЛАРИ

ҚАҲРАМОН РАССОМ БИЛАН УЧРАШУВ

Ўзбекистон ССР Давлат санъат музейининг лекциялар залида СССР Ички ишлар министрлиги Олий курсида таълим олаётган офицерлар Совет Иттифоқи Қаҳрамони, республикада хизмат кўрсатган санъат арбоби Самиғ Абдуллаев билан учрашдилар.

Рассом офицерларга Улуғ Ватан урушида совет халқи қозонган буюк Ғалабанинг жаҳоншумул аҳамияти, ўз жасоратидан айрим лавҳалар сўзлаб берди. Шундан сўнг С. Абдуллаев ўзининг қирқ йиллик ижоди давомида яратган асарларидан намуналар кўрсатиб, картиналарнинг вужудга келиши тўғрисида гапирди. Айниқса, рассомнинг «Қрим манзаралари», «Ўзбекистон» туркумига кируви асарлари, уруш ветеранларининг портретлари катта қизиқиш уйғотди.

Учрашув ниҳоясида қаҳрамон рассом тўпланганларни музей экспонатлари билан таништирди.

М. АҲМЕДОВ.

«ГУНОҲСИЗ АЙБДОР»

ЯНГИЙЎЛ шаҳар маданият уйининг халқ театри санъаткорлари ҳаваскор драматург А. Назаровнинг «Гуноҳсиз айбдор» номли комедиясини томошабинларга тақдим қилдилар. Режиссёр Ш. Калонхонов саҳналаштирган мазкур спектаклда ичкиликбозликнинг хунук оқибатлари фош этилади. Саҳна асаридаги етакчи ролларни Қ. Ҳусанов, С. Маҳмудова, Д. Мурзатова, Р. Раҳмонқулов, Г. Ўринбоева каби турли касб эгалари бўлган ҳаваскор ёшлар ўйнамоқдалар.

МУХЛИСЛАР МАМНУН

«КОТАНГЕНС» вокал-чолғу ансамбли ташкил этилганига ҳали унча кўп бўлгани йўқ. Шунга қарамай бу ҳаваскорлик коллективи эстрада санъати мухлисларининг эътиборига сазовор ижодий фаолият кўрсатмоқда. А. Добрушкин раҳбарлик қилаётган ёш ижрочилар совет ва чет эл эстрада санъатининг энг яхши куй ва қўшиқлари билан ўз репертуарларини бойитиб, бу асарларни ишлаб чиқариш корхоналари ва шаҳар оромгоҳларида тез-тез намойиш этмоқдалар.

— Шу кунларда, — дейди Янгийўл шаҳар маданият бўлимининг мудири Т. Салимбоев, — ансамбль қатнашчилари Ўзбекистон ССР ва республика Компартиясининг шонли юбилейи шарафига шаҳарнинг ишчи, хизматчилари ва район меҳнаткашларига маданий хизмат кўрсатиш, уларга эстетик завқ бахш этиш учун янги концерт программаси тайёрламоқдалар...

А. РАҲМОНБЕРДИЕВ.

БЕОЗОР ОДАМ

ИНТЕРМЕДИЯ

Идора бошлиғининг қабулхонаси. Секретарь ва бир неча киши қатор ўтиришибди. Қовоғи осилган Ашур ака эса у ёққа бетоқат юради. Гоҳо ўзича «товба-товба» деб қўяди ва «уҳ» тортади. Сўнг папирос тишлаб, гугурт ола-ди.

ҚОДИР — Ашур ака, бирпас ўтиринг, юравериб оёғингиз толгандиф?

АШУР — Эй, ҳозир оёғимнинг толгани ҳам кўзимга кўринмайди (**гугурт чақмоқчи бўлади**).

СЕКРЕТАРЬ — Амакижон, бу ерда чекиш мумкин эмас.

АШУР — Сен айтмасанг ҳам биламан (**чиқади**).

ХОЛИҚ — Жуда тажанг одамга ўхшайди. Нимадандир хуноб кўринади.

СОБИР — Рост айтасиз, менимча, у хотинидан роса дакки эшитиб чиққан бўлса керак (**кулги**).

ҚОДИР — Ўнчалиқ эмас. Ашур ака жуда яхши, хушфеъл одам. Назаримда, бугун бирор кўнгилсиз ҳодиса бўлганга ўхшайди.

СОБИР — Ҳар кимнинг феъл-атвори ҳар хил бўлар экан.

ХОЛИҚ — Шу жиҳатдан мен Қобилжон Қобилжоновичга қойилман. Доим қарасангиз кулиб турадилар, лабларидан табассум аримайди. Кўп ажойиб, маданиятли одам экан.

СОБИР — Тўғри, бунақа мулойим, бунақа хушфеъл одамни сира кўрмаганман. Шундай идорага бекорга бошлиқ қилиб тайинлашмаган.

ХОЛИҚ — Ҳаммадан ҳам олдиларига кирсангиз, очиқ чеҳра билан ўринларидан туриб кутиб олишларини айтмайсизми?! У киши билан учрашган киши бир олам қувончга тўлиб чиқади.

СОБИР — Қобилжон Қобилжонович билан бир марта учрашганман, холос. Шу учрашув менда сира унутилмас таассурот қолдирди. Арзи-додимни айтсам: «хўп, акажон, тўғрилаймиз, лекин андак сабр қилинг. Фамилиянгизни айтинг, ёзиб қўяй», дедилар. Жуда беозор одам эканлар.

ХОЛИҚ — Мен ҳам бир марта у киши билан учрашиб, худди сиздай қувониб чиққанман. Ана, ўзлари келяптилар.

ҚОБИЛЖОНОВИЧ — (**киради**) Ассалому алайкум, яхшимисиз?! Сизларни кўп куттириб қўймадимми? Кечирасизлар (**қўлини кўксига қўйиб, ҳар бир киши билан бош қимирлатиб сўрашгач, кабинетнинг кириб кетади. Ашур ака ҳовлиқиб унинг орқасидан кирмоқчи бўлади**).

СЕКРЕТАРЬ — Бироз сабр қилинг, одамлар навбат кутиб ўтиришибди.

АШУР — Қанча сабр қилиш мумкин?! Бу идорага қатнайвериб, оёғимда оёқ қолмади-ку! Бу одам қачонгача мени сарсон-саргардон қилади?! (**Эшикни шартта очиб кабинетга киради. Биродан сўнг ичкарида тўполон бошланади. Ашур аканинг бақирганн, Қобилжоновичнинг ялинган овози эшитилади. Қабулхонада ўтирганлар ичкарига мўраламоқчи бўладилар. Аммо секретарь уларнинг йўлини тўсади, Шу маҳал эшик қаттиқ очилиб, ичкаридан стол календарини кўтариб Ашур ака чиқади. Орқасидан ҳаяжонланиб Қобилжон Қобилжонович кўринади**).

ҚОБИЛЖОНОВИЧ — Бу нима қилганингиз, уни бу ёққа беринг! (**олмоқчи бўлади. Ашур ака бермайди**).

АШУР — Қанақаси бўларди. Мен бу кишининг олдига кирсам, худди биринчи маротаба кўраётгандай ўринларидан туриб сўраишиб, «келинг-келинг, хўш, хизмат?» дедилар. Мен дардимни айтдим. У киши «хўп, тўғрилаб бераман, лекин андак сабр қиласиз, фамилиянгиз нима?» деди. Олдингизга еттинчи маротаба келишим. Ҳар сафар фамилиямни мана бунга ёзиб қўярдингиз, деб календарни қўлимга олиб қарасам: у киши бошқа нарсаларни ёзиб қўяр эканлар. Мана буни сиз бир ўқиб каранг, ўн бешинчи числони очинг.

ҚОДИР — (**ўқийди**) Бугун самовар палов бўлади (**ҳамма кулади**).

АШУР — Энди йигирма биринчини очинг.

ҚОДИР — Эртага хотинимнинг туғилган куни. Қанақа совға олсам экан? (**кулги**).

АШУР — Қолганларига тоққа чиқиши, ўртоғиникига тўйга боришини ёзиб қўйибди.

ХОЛИҚ — Бизникига нима деб ёзган эканлар?

АШУР — Мана, ҳозир кўпчилик олдида ўқиб қурамиз. Ҳамма бу мулойим одам билан танишиб қўйсин (**одамлар чиқади**).

ҚОБИЛЖОН — (**чўчиб тушади**) Ана холос. Энди нима бўлади!

Босит ХАЛИЛОВ.

«Тошкент ҳақиқати»нинг навбатдаги сони 22 июнда чиқади.

Редактор Н. НАСИМОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ЎЗБЕКИСТОН ССР ҲУНАР-ТЕХНИКА ТАЪЛИМИ ДАВЛАТ КОМИТЕТИНИНГ

218-ЎРТА ШАҲАР ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1984—85 ўқув йили учун

ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Тошларни кесиш, тошларга сайқал бериш, жиҳозлар электромонтажчиси, дурадгор, автослесарь, фрезерчи, электрогаз пайвандчиси, электр-пайвандчи, токарь, бўёқчи-сувоқчи, ғишт терувчи-бетончи, слесарь-ремонтчи, слесарь-сантехник, слесарь-асбобсоз, контроль-ўлчов приборлари ва автоматлари оддий слесарь.

Билим юртига 14—17,5 ёшдаги 8—10 синф маълумотли йигит ва қизлар (1 ва 3 йил ўқиш муддати билан) **қабул қилинадилар.**

3 йиллик муддат билан ихтисос бўйича ўқувчилар билим юртини тугатганлиги тўғрисида диплом оладилар, уларга 3—4 разрядли мутахассислик берилади.

Ўқиш вақти меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Ўқувчилар 3 марта бепул овқат билан таъминланадилар.

Билим юртини ўрта маълумот билан тугатганлар олий ўқув юртларига конкурсдан ташқари киришлари мумкин.

ЎҚИШ ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Машғулотлар — 1 сентябрдан бошланади.

Ўқишга кирувчилар директор номига ариза, таржимаи ҳол, туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома ёки паспорт, маълумоти ҳақида гувоҳнома, турар жойидан справка, 3х4 см. ҳажмдаги 6 дона фотосурат ва характеристика топширадилар.

ҲУЖЖАТЛАР ҲАР КУНИ (якшанбадан ташқари) **СОАТ 9.00 ДАН 17.00 ГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.**

Билим юртн адреси: Ўрта Чирчиқ райони, Наримонов шаҳри. «Водник» массиви (133-, 121-автобусларнинг «218-билим юртн» бекати).

БАРЧА КАСБЛАР ЯХШИ

ЎЗИНГИЗГА МУНОСИБИНИ ТОПИНГ!

МАСАЛАН, СОТУВЧИЛИК КАСБИ ҲАМ ЭНГ МУНОСИБ.

Энг муносиб сотувчи бўлиш осон иш эмас. Бунинг учун харидорнинг руҳий ҳолатини яхши англай билиш, эътиборли, мулойим ва сезгир бўлиш тақозо этилади. Ана ўшандагина сенинг меҳнатинг инсонлар учун нақадар зарур ва керакли эканлигини яхши англайсан.

5-«ТЕХНИКА ТУРМУШДА» МАКТАБ-МАГАЗИНИ

СИЗНИНГ СОТУВЧИ БЎЛИШИНГИЗГА ЯҚИНДАН ЁРДАМ БЕРАДИ.

Ўқиш муддати—6 ой.

Машғулотлар пайтида ойига 63 сўмгача стипендия тўланади.

Ўқиш вақти умумий меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Мактабни тугатгандан кейин сизларга кичик сотувчилар ихтисослиги берилади ва «Ташхозторг»нинг магазинларида ишлаш учун юборилади.

1 йил ишлагандан кейин сиз, Тошкент Совет савдоси техникумининг кечки ёки сиртқи бўлимида ўқишни давом эттиришингиз мумкин.

Мактаб-магазинга ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатлар зарур: Тошкент пропискаси, ўрта маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, 3 дона фотосурат (5х6 см.), турар жойидан справка, «Ташхозторг» директори номига ариза, йигитлар эса ҳарбий хизмат бўйича қайд этилганлик гувоҳномасини кўрсатадилар.

Қуйидаги адресга мурожаат этилсин: Тошкент шаҳри, Куйбишев шоссеси, 24-уй—кадрлар бўлими. Телефон 91-59-53.

«ТАШХОЗТОРГ».

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ (телефон 45-37-24).

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

МТ I. 9.00 — «Время». 9.35 — Концерт. 9.55 — «Сайҳатчилар клуби». 10.55 — Мультфильмлар. 11.20 — «Берлиоз ҳаёти». Телевизион бадиий фильм. 5-серия. 12.15 — Телефильм. 12.45 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 15.50 — «Горнчилар қаердасиз!». 16.30 — «Қизил погонлар». Бадиий фильм 2-серия. 17.35 — «Мухбирларимиз ҳикоя қиладилар». 18.05 — Телеочерк. 18.40 — «Дунё ва ёшлар». 19.15 — «Дунё воқеалари». 19.30 — Мультфильм. 19.40 — «Халқ ижодиёти». 20.25—Илмий-оммабоп фильм. 20.35 — «Берлиоз ҳаёти». Телевизион бадиий фильм премьераси. 6-серия.. 21.30 — «Время». 22.05 — Ҳужжатли экран. 23.05 — «Спорт ҳафталиги». 23.35 — «Дунё воқеалари».

МТ II. 9.00 —Эрталабки гимнастика. 9.20—Илмий-оммабоп фильмлар. 9.55 — «Вальс». Телевизион бадиий фильм. 10.55 —11.25 — Тележурнал. 12.25 — Болалар учун фильм. «Браконьерларни овловчи». 13.40 — «...16 ёшгача ва ундан катталар». 14.25 — «Фан ва турмуш». 14.55—16.25 — «Гиппократ қасами». Бадиий фильм. 17.10 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.45 — Ҳаракат хавфсизлиги учун. 19.15 — Е. Школьникова куйлайди. 19.30 — «Сиз яратган боғ». 20.00 — 20.30— Волейбол бўйича халқаро турнир. 20.50 — «Инсон ва қонун». 21.20 — Илмий-оммабоп фильм. 21.30 — «Время». 22.05 — «Осмон сўқмоқлари». Бадиий фильм. 23.10 — «Сенинг изланишларинг, театр». 23.45— Волейбол бўйича халқаро турнир.

ЎзТВ I. 10.00 — «Ахборот». 10.20 — Мультфильм. 11.00— Телефильм. 12.00 — «Сўз кетидан сўз келар». 12.30 ва 18.00 — Янгиликлар. 18.15 — Мультфильм. 18.20 — «Орзу». 19.00 —Бурчга садоқат. 19.30 — «Ахборот». 19.45 — Концерт. 20.30 — «Ахборот». 20.50 — «Созандалар ҳақида ҳикоялар». 21.30 — «Время». 22.05 — «Бугун оламда нима гап?». 22.20 — «Фидойи». Бадиий фильм. 23.50 — Янгиликлар.

ЎзТВ II 9.00 — 17.15 — МТ II. 18.10—18.15 — Кўрсатувлар программаси. 18.45 —Телефильм. 19.00 — «Совет ёшларининг маънавий қиёфаси. 19.30 — Телефильм. 20.00 — Тошкент янгиликлари. 20.20 — Шеърият кечаси. 21.30 — МТ II.

ТОШКЕНТ ҲАКИКАТИ
/ "Ташкентская правда"/
Орган Ташкентского обкома Коммунистической партии Узбекистана и областного совета народных депутатов

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000. Тошкент-П, ЛЕНИН кўчаси, 41

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748, масъул секретарь—334808, 325353, секретариат — 325750. БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 325778, саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749, қишлоқ хўжалиги — 325647, пропаганда; совет қурилиши — 325645, фан, маданият ва олий ўқув юртлари — 325553, адабиёт ва санъат — 325767, ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325733, хатлар ва оммавий ишлар; фельетонлар — 334048, 325354. Фотомухбир — 325894.

Р—12332 Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС: 64684. В. 1725. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12